

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКОВА НАЗОРА ЖЎРАЕВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ФОРСИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАНРИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БАДИИЯТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
филологических наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philology (DSc)**

Бекова Назора Жўраевна

Алишер Навоий форсий меросининг жанрий хусусиятлари ва бадиияти3

Бекова Назора Жураевна

Жанровые особенности и поэтика персидского наследия Алишера Навои ... 33

Beкова Nazora Jurayevna

Genre features and artistry of Alisher Navoi's Persian heritage..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 71

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКОВА НАЗОРА ЖЎРАЕВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ФОРСИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАНРИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БАДИИЯТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Fil58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эшонкулов Хусниддин Пиримович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тухлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Воснева Рухшона Қурбоновна
филология фанлари доктори, профессор

Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» Март соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92; факс: +99366 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz.)


Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «2» Март кuni тарқатилди.
(2021 йил «2» Март даги 2 рақамли реестр баённомаси).




М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор


Х.А.Асланова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Ш.А.Ҳасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида поэтика, шеър тузилиши, адабий таъсир, анъана, ворисийлик, бадий маҳорат, девон тартиб беришнинг хос хусусиятлари, жанрий хилма хиллик масалалари муайян ижодкор асарлари асосида ёритиб бериш доимий эътиборни тортиб келмоқда. Жумладан, Шарқ халқлари адабиёти такомилда муҳим босқич бўлган улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг лирик мероси, девонлари, ундаги жанрлар моҳиятини бугунги глобаллашган илмий-назарий тафаккур сатҳида аниқлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ҳар бир шеърий жанрнинг ўзига хослиги, унинг поэтик ифода шакли, образлар тизими ва воқеликни бадий талқин қилиш усули билан белгиланиши бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Шарқ адабиётшунослигида ғазал, қасида, рубоий, қитъа жанрларининг мумтоз адабиётдаги мавқеи, унинг юзага келиши ва таракқиёт босқичлари, мазкур жанрдаги асарларнинг маъно, образ, мажоз олами, тасвир йўли ва поэтик воситаларини Алишер Навоийни форсий мероси асосида очиб бериш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Истиклол даври ўзбек адабиётшунослигида мумтоз шеъриятда илгари илмий муомалага киритилмаган баъзи адабий манбаларини тавсифлаш, айниқса, Навоий форсий мероси, ундаги шеърий жанрларни кенгрок ўрганиш, уларнинг ғоявий-бадий хусусиятларини ёритиб беришга катта эътибор берилмоқда. «Адабиёт – жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришда, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватанига, халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга»¹. Бу борада ахлоқий, маърифий, ирфоний мазмунларни ифодаловчи Алишер Навоийнинг форсий адабий мероси; ундаги умуминсоний ва миллий ғоялар тажассумини ғазал, қасида, рубоий, қитъалари орқали очиб бериш; шоирнинг зуллисонайнлик маҳоратини текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги» қарори // Халқ сўзи. – 2017. – 14 сентябрь. <http://www.uz>

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида», 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон «Баркамол авлод йили» давлат дастури ҳақида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Адабий манбашунослик, навоийшунослик, уларнинг контекстуал таҳлилининг назарий ва амалий принциплари асосида Алишер Навоий ҳаёти ва адабий мероси манбаларининг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, биографик тадқиқи муаммолари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Техрон университети (Эрон), Рус-Тожиқ (славян) университети (Тожикистон), Istanbul Üniversitesi (Туркия), Балх давлат университети (Афғонистон), University of Washington Press (АҚШ), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қозон давлат университети, Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Озарбайжон Миллий Фанлар академияси қўлёзмалар институти (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Самарқанд давлат

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://litva.info.Book.page-75>, <https://bulletin-history.kaznu>; https://scribble.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, www.ivran.ruhttp://elm/az/http://elm/az/, www.navoiy-uni.uz; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. – London-Paris, 1964. – P. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – B.501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B.209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965.

университети ва Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий адабий мероси, хусусан, дostonлари ва ғазалларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: шоир биографияси, асарларининг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган, асарлари тўплам ҳолида нашр этилган (Техрон университети, Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге, Z.Bünyadov adına Şerqşünaslıq İnstitutu); шоир лирикаси таҳлил қилинган (University of Washington Press, Istanbul Üniversitesi, Humbolt University of Berlin); адабий манбалардаги матн тарихи ва талқинига муносабат масаласида янгича методологик ёндашувлар тизими белгиланган (University of Amsterdam, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қозоқ миллий университети, Қирғиз миллий университети, Istanbul Üniversitesi); мумтоз адабий манбаларга оид тадқиқотларнинг илмий-танқидий матн асосида фундаментал тадқиқот даражасига етиши асосланган (Istanbul Üniversitesi, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи); Навоий форсий адабий меросининг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети); Алишер Навоий форсий меросининг жанрий хусусиятлари, мазмун-моҳияти, образлар тизими, поэтик хусусиятлари бир бутун тарзда тадқиқ этилган (Бухоро давлат университети).

Дунё адабиётшунослигида мумтоз адабий манбаларни яхлит тизимли ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: муайян асар матни тарихи ва матн таҳрири муаммоси; шоир ижод лабораторияси; адабий асарнинг китобат тарихи; қўлёзма манбаларнинг қиёсий-матний таҳлили; муайян бир асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш; миллий адабиёт намояндалари ижодида акс этган миллий менталитет, диний-фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш; адабий манбаларнинг қўлёзмалар феҳристини тузиш; адабий манбаларни ўрганишда инновацион воситалардан фойдаланиш, хусусан, илмий-танқидий нашрларни тайёрлашда компьютер технологияларига асосланган замонавий дастурлардан фойдаланиш; миллий адабиёт тарихига оид маълумотлар базасини янги фактик материаллар билан бойитиш; мумтоз адабиёт ва ундаги жараёнларни назарий-амалий белгилаш; адабиётнинг мавзу кўламдорлиги, ғоявий-бадий мундарижасини тарихий аспектда ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё адабиётшунослигида Алишер Навоийнинг форсий мероси С.Айний, О.Акимускин, А.Афсаҳзод, Е.Бертельс, А.Ҳикмат, А.Мирзаев, Р.Ҳодизода, Қ.Восеъ, И.Брагинский, Ш.Девонаев, Э.Шодиев, Р.Мусульмонқулов, Р.Фаррух, А.Абдуқодиров, Марк Тутан, Р.Зиполи, С.Шугуфта сингари адабиётшунос ва шарқшунослар

томонидан ўрганилган бўлса-да, бироқ бу тадқиқотчилар, асосан, издошлик масалаларига таянганлар³.

Рус шарқшунослигида Алишер Навоий шахсияти ва ижодига алоҳида қизиқиш яққол кўзга ташланди. Рус шарқшуносларидан М.Никитский, В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, А.Якубовский, А.Болдиревларнинг салмоқли тадқиқотлари яратилди⁴.

Навоий-Фонийнинг форсий меросига муносабат собиқ иттифок йилларида А.Фитрат, Ҳаким Ҳомидий, Ш.Шомуҳаммедов, П.Шамсиев, О.Шарафиддинов, Ҳ.Сулаймон, Н.Маллаев, С.Эркинов, Б.Валихўҳаев, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Комилов, М.Муҳиддинов, Р.Воҳидов, Ё.Исҳоқов, С.Ғаниева, И.Ҳаққулов, М.Қодирова, А.Шомуҳаммедов, Ш.Шукуров⁵ сингари олимлар меҳнати туфайли янги поғонага кўтарилди.

³Қаранг: Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Чилди 11. Китоби яқум. –Душанбе, Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1963. –506 с.; Айнӣ, Садриддин. Алишер Навоӣ / Садриддин Айнӣ // Шарқи Сурх, 1941. №1, 2, 3, 4-5; Айнӣ. Алишер Навоӣ. – Душанбе: Нашриёти Давлати Тоҷикистон, 1948. – С.181-182; Бертельс Е.Э. Навоӣ. Опыт творческой биографии. – М.:Л., 1948. С. 108; Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960; Бертельс Е.Э. Избранные труды: Навоӣ и Джами. – Москва: Наука, 1965; Суфизм и суфийская литература. –Москва: Наука, 1965; И.Брагинский.12 миниатюр. –Москва., 1966; Брагинский И.С. Ещё раз о проблеме периодизации истории персидской и таджикской литературы. “Народы Азии и Африки”. №6. 1963. –Стр.101; Раджабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: Ирфон, 1968; Мирзоев А. Фони ва Ҳофиз. –Душанбе: Ирфон, 1966; Мирзоев А. Фони ва Ҳофиз.-Душанбе: Дониш, 1968; Мирзоев А. Алишер Навоӣнинг форс-тожик тилидаги мероси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, №1; Мирзоев А. Абдурахмон Жомӣ ва Алишер Навоӣ. – Душанбе: Ирфон, 1968; Мирзоев А. Сездаҳ мақола. – Душанбе: Ирфон, 1977; Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз.Тўплам. Навоӣ ва адабий таъсир масалалари.- Тошкент: Фан. 1968. –Б.53.; Мирзоев А. Девони Фонийнинг ғоявий хусусиятлари// IX конференция. -Тошкент, 1965; Акимушкин О.Ф. К вопросу о традиции жанра искусственной касыды в персидской поэзии. –Москва: Наука, 1971; Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. –Москва: Наука, 1972. –Стр. 524.; Афсаҳзод А. Адабиёти тоҷик. – Душанбе: Pleiades publishing inc. 2001. –Саҳ 304 ; Афсаҳзод А. Абдурахман Джами. Фатихат уш-шабоб. – Москва: Наука, 1976; Афсаҳзод А.Рузгор ва осори Абдурахмони Жомӣ. – Душанбе: Дониш, 1980; Афсаҳзод А. Навоӣ /Аълоҳон Афсаҳзод // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Чилди 2. – Душанбе, 1989. –Саҳ -405-407; Кашмирий, Фонӣ. Мунтахаби ашъор /Фоний Кашмирий. Ба чоп тайёр-қунанда ва муаллифи муқаддимава тавзеҳот Шамсулло Девонаев. –Душанбе : Ирфон, 1986. –Саҳ. 238; Ҳодизода Р. Аз гузашта ва ҳозираи адабиёти тоҷик. –Душанбе. 1974; Ш.Девонаев. Фони Кашмири и его творчество. АКД. –Д. 1971; Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик (асрҳои XIII-XV). Китоби 2. –Душанбе : Маориф, 1977. –Саҳ . 453.; Самад Вали. Пайвандҳои адаби чун омилҳои муҳими инкишофи адабиёт. –Душанбе: Ирфон, 1976; Шадиев Э. К вопросу об отношении Алишера Навои к персидской-таджикской литературе.Автореферат канд.дисс. – Ташкент , 1965; Шодиев Э. Алишер Навоӣнинг тоҷик адабитига муносабати масаласига доир. –Ленинобод, 1964; Шодиев Э. Алишер Навоӣ ва форс-тоҷик адаблари. –Тошкент:”Ўқитувчи”, 1989.; Шодиев Э. Алишер Навоӣнинг форс-тоҷик тилидаги асарлари . –Тошкент: ФАН, 1990; Шамуҳаммедов А. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои.-Тошкент: Фан, 1984; Фонӣ, Амир Алишер. Девони форсий (мунтахабот ба ҳуруфи форсий) / Амир Алишери Фонӣ. Мураттиб ва муаллифи сарсухан Алии Муҳаммадӣ. – Душанбе: Ирфон, 1993. –Саҳ.320; Сайфуллоев А. Айнӣ / А.Сайфуллоев // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Чилди 1. – Душанбе, 1988 . –Саҳ. 544.; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. –Москва : Наука, 1989, 240 с.; Хуросонӣ, Алии Муҳаммадӣ. Суханвари зуллисонан / Алии Муҳаммадӣ Хуросонӣ // Меҳру муштарӣ. – Душанбе: Адиб, 2010. –Саҳ .185-208; Шодиев Э. Навоӣ татаббуларига оид баъзи мулоҳазалар: “Девони Фоний” ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. - № 2; Абдуқодиров А. Навоӣ татаббуларида орифона тасвир маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1997. - № 1; R. Zipoli.The Techniques of Gawab replies by Nawai to Hafiz and Gami. –Venezia: Libreria Editrice Cafoscarina, 1993. – P. 83; С.Шугуфта. Шарҳи аҳвол ва осори форсийи Амир Алишер Навоӣ. –Исломобод-Покистон, 2005. –С.413.

⁴ Қаранг: Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол.фан.док. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.

⁵ Қаранг: Фитрат А. Навоӣнинг форсий шоирлиғи ва форсий девони хусусида. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. –Тошкент: “Маънавият”, 2000. –Б.3-11; Фитрат А. Форсийғўй Навоӣ // Шарқ машъали, 1993, №3; “Девони Фоний” устида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг баъзи натижалари ЎЗР ФА томонидан ҳар йили Навоӣга атаб ўтказиладиган илмий сессияларда проф. Ҳ.Сулаймон маърузаларида

Истиклол йилларида илмнинг бу йўналишида бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, А.Қаюмов, Н.Комилов, С.Эркинов, Р.Воҳидов, А.Абдуллаев, Ш.Сирожиддинов, С.Рафиддинов, Э.Очилов, Ҳ.Эшонқулов, С.Сотиболдиева, Л.Зоҳидов, Г.Болтаева, О.Давлатов, Д.Юсупова каби адабиётшунос олимларнинг асарлари, илмий тадқиқотлари бунга мисол бўла олади⁶.

тўрт мартаба баён қилинган. Қаранг: Навоий сессияси материалларининг программалари: 1."Девони Фоний"нинг икки мўътабар Париж кўлэмалари ҳақида, 1961; 2. Навоий форсий қасидаларининг ижодий тарихига оид, 1962 ; 3. Навоийнинг форсий рубоийлари, 1963; 4. "Девони Фоний" ғазалларининг социал мазмуни ҳақида, 1964; 5. Сулаймон Ҳ. Алишер Навоийнинг форс тилидаги поэтик мероси тадқиқотидан // Ўзбек тили ва адабиёти, №5, 1965. –Б.32; 6. Сулейман Хамид. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои.АҚД. Ташкент, 1961. С 38; Сулаймон Ҳ. Алишер Навоийнинг янги топилган асари «Ситтаи зарурия» ва унинг кўлэзма манбалари ҳақида//Адабий мерос. –Тошкент,1968, №1. –Б. 192-194; Н.Маллаев. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърятига доир// Адабий мерос. –Тошкент, 1968, №1. –Б. 63-74 ; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юрлари учун дарслик. Биринчи китоб. –Тошкент : Ўқитувчи, 1976; Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. –Тошкент : Фан, 1978; Абдуллаев В., Валихўжаев Б., Шукуров Ш. Навоийшуносликнинг муҳим ютуғи // Шарқ юлдузи, 1966, №9. –Б. 183-188; Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Муҳаққиқи бузурги ду адабиёт. –Душанбе: Ирфон, 1977. –Саҳ. 58.; Шукуров Ш. Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» қасидаси ва унинг адабий традиция билан боғлиқлиги тўғрисида// Навоий ва адабий таъсир масалалари (мақолалар тўплами). –Тошкент , 1968. –Б.191-21.; Ҳайитметов А. Алишер Навоий Хожа Ҳофиз ҳақида. // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1971. №5. –Б.12; Ш.Шомухамедов.Ҳофиз Шерозий. –Тошкент,1965; Ш.Шомухамедов. Форс-тожик адабиёти классиклари. –Тошкент, 1963; Ш.Шомухамедов. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти. –Тошкент:Фан, 1968; Шомухамедов Ш. Гуманизм – абадийлик ялови. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. –Б.56; Шомухамедов Ш. Девони Фоний// Тошкент ҳақиқати, 1966 йил, 6 февраль; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). –Тошкент: Фан, 1977; Ҳайитметов А. Алишер Навоий ва Хожа Ҳофиз Шерозий ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. №5. –Б.11; Муҳиддинов М. Адабий анана ва ижодий ўзига хослик. –Тошкент : Ўқитувчи, 1990. –Б. 5-16; Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан.1983. –Б.112-119; Исҳоқов Ё. Навоий ва Мир Хусрав // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. № 4; Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърятга. –Тошкент: Фан, 1983; Воҳидов Р.Ҳ. Взаимосвязь узбекской и персидско-таджикской литератур во второй половине XV начале XVI в. Дис. д-ра филол. наук. -Ташкент, 1988. –Стр.280 ; Воҳидов Р. Хожа Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991. №4. –Б. 25-32.; Ғаниева С. Ҳофизнинг бир ғазали ва унга Фоний (Навоий)нинг жавобияси //Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. №1; Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Тошкент: Фан, 1981. –Б.63-69 ; Ғаниева С. Камол эт касбким. –Тошкент : Чўлпон. –Б. 194-207; Шукуров Ш. Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» қасидаси ва унинг адабий традиция билан боғлиқлиги тўғрисида// Навоий ва адабий таъсир масалалари (мақолалар тўплами). –Тошкент, 196. –Б. 191-210.; Қаюмов А. Алишер Навоий. –Тошкент: Камалак, 1991. –Б. 176; Қодирова М. Навоийнинг “Айн ул-хаёт” қасидаси ҳақида // Адабий мерос. –Тошкент:Фан,1968, №1. –Б. 117-132; Қодирова М. Алишер Фоний қасидалари: Филол. фан.ном...дис. –Тошкент , 1969; Шомухамедов А. Ҳамкорлик самаралари. –Тошкент: Фан, 1982; Шомухамедов А. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои (На примере татаббуат Фани и газели Джами) –Тошкент: Фан, 1984.

⁶Қаранг: Қаюмов А. Нодир саҳифалар. Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида. –Тошкент.: Фан, 1991.; Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд Девони Фоний.. –Тошкент:МИМТОЗ SO’Z, 2009. –Б. 261; Қаюмов А. Асарлар. 4-жилд. Девони Фоний. –Тошкент: МИМТОЗ SO’Z, 2009. –Б. 267; Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. –Тошкент: Маънавият, 2001 ; Комилов Н. Ҳар байти хикматли бир китоб// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001, 9 февраль; Шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Тошкент: Ёзувчи, 1993; Эркинов С. «Тухфат ул-афкор» қасидаси матни, нашрлари //Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. № 4. –Б. 21-27.; Шу муаллиф. Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро форсий ғазаларига татаббуълари// Ўзбек тили ва адабиёти”, 1996. № 1; Vohidov R., Eshonqulov H. O`zbek mumtoz adabiyoti tarixi. –Toshkent: O`zbekiston Respublikasi Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2008. –Б.291-302; Воҳидов Р. «Ситтаи зарурияда татаббуъ»//Бухоро университети илмий ахборотлари. 2001, №1. –Б. 10-18; Воҳидов Р. Ёғди ўт устига қор. – Бухоро: “Зарқалам”, 2005; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари: Филол.фанлари д-ри. ...дисс.автореф. – Тошкент, 1997.; Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik (1-kitob). –Toshkent: “Tamaddun”, 2018; Болтаева Г. Алишер Навоий “Фусули арбаа” қасидалар туркумининг манбалари ва ғоявий-бадий таҳлил и: Филология фан. ном.дисс. – Тошкент, 1999; Азимов М. Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. –Техрон: Ал-Ҳудо, –Тошкент: Минхож, 2004; Рафиддинов С. Қалблар озукаси //Алишер Навоий. Ситтаи зарурия китобида. –Тошкент:Фан, 2008. –Б. 3-4;

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Алишер Навоийнинг форсий мероси, «Девони Фоний»нинг мундарижаси, бадиий қурилиши, жанрий таркиби, мавзу ва ғояларини ёритиш маҳорати монографик тарзда текширилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (Рўйхатга олинган рақами №BFil-01) «Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» (2016-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Навоий форсий меросининг Шарқ адабиётида тутган ўрнини ва «Девони Фоний»нинг ўзига хос бадиий қурилиши, жанрлар таркиби ва бадииятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Девони Фоний»нинг Шарқ адабиёти ва Алишер Навоий ижодида тутган ўрнини аниқлаш;

адабиётшуносликда «Девони Фоний» талқинига оид қарашлар ва танқидий фикрларни умумлаштириш;

«Девони Фоний»нинг бадиий қурилиши (композицияси), жанрлар тизими ва таркиби, лирик жанрлар имкониятларини илмий далиллаш;

татаббуъ ва мухтараъ ғазалларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ, мотивларини аниқлаш, тавсифлаш ва таснифлаш;

Навоий форсий шеърятининг бадиий хусусиятлари, ғоявий тимсоллари, тасаввуфий образлар силсиласини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» (МАТ. XX томлик, 18-20 томлар) форсий девони танланган.

Тадқиқотнинг предмети Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» куллиётидан ўрин олган лирик шеърлар ва Ҳофиз, Хусрав, Жомий девонидаги Навоий татаббуъ қилган асос ғазаллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, контекстуал таҳлил, биографик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Девони Фоний”нинг мундарижаси, бадиий қурилиши (композицияси), жанрий таркиби, шеърлар хронологияси асосида девонда дебочанинг мавжуд эмаслиги, анъанадаги арабча 28 ҳарфга қўшимча равишда форс ва ўзбек

Очилов Э. “Девони Фоний”нинг ўзбекча таржималари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. №1. –Б. 8-15 ; Зоҳидов Л. “Девони Фоний” бадииятига доир мулоҳазалар // Адабиёт кўзгуси. – Т, 2010. – № 10; Юсупова Д., Куронов С. Навоийнинг форсий қасидалари // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2011. –Б. 22-26; Юсупова Д. “Девони Фоний”нинг жанрлар кўлами, ғоявий-бадиий хусусиятлари. Китобда: Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш даври адабиёти (Алишер Навоий даври). –Тошкент: “Тамаддун”, 2016. Сотиболдиева С. Фоний ғазалларининг бадиияти (Фонийнинг Амир Хусрав ғазалларига ёзган татаббуълари асосида): Филология фан.номз.дисс. –Тошкент, 2001; Давлатов О. Фонийнинг мухтараъ ғазаллари / ЎзАС, 2013. № 47; Давлатов О, “Девони Фоний”: анъана ва ижодий фардият\ “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзуидаги 2-анъанавий халқаро конференция материаллари.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. –Б. 96-99.

тилларига хос бўлган “чим”, “же”, “гоф” ва “лом-алиф” ҳарфлари билан тугайдиган ғазаллар кўзга ташланмаслиги, девондаги ғазаллар “Наът”, “Татаббуъ”, “Тавр”, “Жавобия”, “Мухтараъ” каби турларга ажратилганлиги ҳамда ҳар бир ғазалга алоҳида сарлавҳа қўйилганлиги, “Ҳазойин ул-маоний” таркибидаги девонлардан ўнга яқин хусусиятлари билан фарқ қилиши фактик маълумотлар асосида исботланган;

Фоний қасида, ғазал (татаббуъ қасида, татаббуъ ғазаллар ёзиш орқали), рубоий (форсий тилда биринчи бўлиб тарсели рубоийлар ижод қилиш орқали), қитъа (тамсил усулида қитъа ёзиш орқали) каби лирик жанрлар имкониятларини бениҳоя бойитганлиги, татаббунавислик жараёнида мухтараъ ва ихтиро яратиш анаъанасини бошлаб берганлиги, бошқаларнинг ғазалларига татаббуъ ёзиш билан бирга, ўз ғазалларига ҳам татаббуъ битиш анъаналарини юзага келтирганлиги далилланган;

шоир ғазалларининг ғояси, мавзуси, образлари, шаклий белгилари (вазн, қофия радиф) жиҳатидан ўхшатма тарзида Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий каби салафларнинг ғазалларига татаббуъ қилинганлиги, улар орасида шеърий санъатлар асосига тузилган маснуъ татаббулар, вазни ва радифи янгиланган, шакли ўзгача матбуъ татаббулар мавжудлиги аниқланган;

Фонийнинг мухтараъ ғазалларида ўша давр форс-тожик ёзма адабиётида қўлланилмайдиган «балоҳўрон», «кафандоз» сингари сўзлар қўлланилганлиги ва улар орқали шеъриятнинг мазмуни, лексикасини бойитганлиги, шоир туркий асарларида қўллаган муваффақиятли тажрибаларини форсий ғазалларида ҳам татбиқ этиб, бунда ҳам юксак натижаларга эришганлиги асосланган;

Навоий салафлари қўллаган тимсоллар, адабий анъаналардан усталик билан фойдалангани, гоҳо татаббу қилинаётган асар сўзлари чегарасидан чиқмай янги мазмун ифода этгани, гоҳо янги қофия, янги сўзларни ишга солгани, шоир яратган татаббулар тақлид ва такрордан холи, янги фикр, тасвирларга бойлиги далилланган;

Навоийнинг ҳайрат, ҳиссий тасаввур ва руҳ кучи билан яратилган форсий қасидалар туркумида Инсон ва Коинот, Инсон ва мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, мавжудотнинг хулосаси ва қаймоғи Комил Инсон башариятни бошқарадиган буюк руҳ эканлиги каби исломий-ирфоний, фалсафий ғоялардан юксак санъаткорлик билан фойдаланганлиги қиёсий-типологик аспектда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий форсий меросига муносабат масаласи Шарқ мумтоз адабиётшунослиги, XV асрга оид Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» каби тарихий, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс», Сом Мирзонинг «Тухфаи Сомий», Ризо Қулихон Ҳидоятнинг «Мажма ул-фусаҳо», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг

«Тафсири форсий» сингари адабий манба ва тазкиралари ҳамда С.Айний, А.Фитрат, Е.Э.Бертельс, А.Мирзоевларнинг тадқиқотлари асосида ёритилган; улуғ мутафаккир девонидаги лирик асарларнинг жанрий хусусиятлари, мазмун-моҳияти, асарда тилга олинган ахлоқий, ижтимоий, фалсафий-тасаввуфий муаммоларни очиб бериш орқали шоирнинг форсийдаги бадиий маҳорати янги мезонларда баҳоланган;

Алишер Навоий замондан шикоят, адолатли турмуш, ҳасби ҳол каби кечинмалари шаклий унсур, тимсол, тасвирий восита орқали бир-бирига ўхшаш тарзда ифодалаганлиги ғазалларнинг қиёсий таҳлили асосида очиб берилган;

татаббучилик анъанаси орқали Алишер Навоий салафларининг шоир форсий меросига шакл ва мотивни сақлаган ҳолда тақлид ва такрордан холи, янги фикр ва тасвирларга бой адабий таъсири амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, комплекс ва функционал таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жаҳон адабиётшунослигида девончилик анъаналари, Навоий форсий меросининг жанрий хусусиятлари, адабий анъана ичида янгилик яратишнинг мазмун-моҳияти, издошликнинг поэтик табиати, шоирнинг икки тилда лирик жанрлар имкониятларидан маҳорат билан фойдаланганлигини тадқиқ этишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Ўзбек адабиёти тарихи», «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи» «Адабиётшунослик назарияси», «Матншунослик», «Манбашунослик», «Навоийшунослик», «Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари» фанларидан ўқув кўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда; адабиётшунослик ва тасаввуф луғатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий форсий меросининг жанрий хусусиятлари ва бадиияти масаласини тадқиқ этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

«Хазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний» асарларининг мундарижасини, бадиий қурилишини қиёсий таҳлил қилишга доир хулосалардан Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 7 сентябрдаги 17.01/208-сон далолатномаси). Натижада Фоний девонидаги лирик асарларнинг жанр хусусиятлари, мазмуни, моҳияти, уларда тилга олинган ахлоқий, ижтимоий, фалсафий, тасаввуфий муаммоларни ёритиб беришга эришилган;

Фоний девонидаги ғазал, китъа, рубоий, маснавий, тарих, луғз, қасида, мусаддас сингари жанрларнинг табиати, уни намоён этувчи композиция ва турли таҳлиллардан фойдаланишга доир хулосалардан ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017-2020) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 7 сентябрдаги 17.01/208-сон далолатномаси). Натижада Навоий форсий шеърятининг бадиий хусусиятлари, ғоявий тимсоллари, тасаввуфий образлар силсиласини ёритиш беришга хизмат қилган;

Фонийнинг мухтараъ ғазалларида форс-тожик ёзма адабиётида қўлланилмайдиган «балохўрон», «кафандоз» сингари сўзлар қўлланилиши орқали форсий меъроснинг бадиияти, мазмуни ёритишга ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 7 сентябрдаги 17.01/209-сон далолатномаси). Натижада шоирнинг ёзма адабиётида қўлланилмайдиган сўзларни қўллаганлиги ва улар орқали шеърятнинг мазмуни, лексикасини бойитганлигини асослашга эришилган;

Навоий қўллаган тимсоллар, адабий анъаналар, татаббулар тақлиду такрордан холи эканлиги янги қофия, янги сўзларни ишга солиш, янги фикр ва тасвирларга бойлиги ҳамда тадриж санъатидан фойдаланиш маҳоратига оид илмий қарашлардан ФА-А1-Г007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзуларидаги амалий лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 7 сентябрдаги 17.01/209-сон далолатномаси). Натижада Навоий икки тилдаги девонларининг мундарижаси, бадиий қурилиши ҳамда шоирнинг халқ оғзаки ижоди ва халқ жонли тилидан фойдаланиш маҳоратини қиёсий аниқлашга имкон берган;

Навоийнинг форсий ғазалларида васф этилган долзарб ижтимоий, маънавий ғоялар ёритилган илмий хулосалардан «Бухоро» телеканалининг «Долзарб мавзу», «Интервью плюс», «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларида фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 5 январдаги 1/1-сон маълумотномаси). Натижада телетомошобинларнинг Алишер Навоийнинг форсий мероси, унда илгари сурилган умуминсоний қарашлар бўйича хулосаларини бойитишда муҳим аҳамият касб этган;

Мир Араб олий мадрасасида «Тасаввуф», «Тасаввуф атамалари» сингари дарсларни ўтишда, Навоий таваллудининг 578, 579 ва Бобур таваллудининг

536, 537 йиллиги муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда диссертациянинг натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Мир Араб олий мадрасасининг 2021 йил 13 январдаги 2-сон маълумотномаси). Натижада Навоийнинг ҳайрат, ҳиссий тасаввур ва руҳ кучи билан яратилган форсий қасидалар туркумида Инсон ва Коинот, Инсон ва мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, Инсон руҳининг улуғ оламлар бўйлаб сайр этиб, Илоҳ томон кўтарилиши (уруж), инсонийлик даражалари, руҳ тараққиёти даражалари - пок руҳ (руҳ ул-қудс) билан белгиланиши, мавжудотнинг хулосаси ва қаймоғи Комил Инсон инсониятни бошқарадиган Буюк руҳ эканлиги каби исломий-ирфоний, фалсафий ғоялардан юксак санъаткорлик билан фойдаланганлигини янгича таҳлиллар асосида очиб берилгани талабаларнинг тасаввуф адабиёти билан боғлиқ билимларини ривожлантиришга кўмак берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та халқаро ва 30 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича 57 та илмий иш, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 30 та мақола, жумладан, 25 таси республика ҳамда 5 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 268 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Девони Фоний**»нинг **Шарқ мумтоз адабиётида тутган ўрни ва ўрганилиши**» деб номланган. Биринчи фасл «**«Девони Фоний ва унинг Алишер Навоий ижодиётидаги мавқеи»**» деб юритилади. Мазкур фаслда Алишер Навоий форсий меросининг адиб ижодидаги мавқеи ва Шарқ мумтоз адабиётидаги ўрни тарихий, адабий манба ҳамда тазкираларда берилган мутафаккирларнинг асосли фикрлари ва шоирнинг мазкур меросга доир билдирган ўз муносабати орқали аниқланган.

Навоий-Фонийнинг форс тилида ёзган ғазаллари, қитъалари, рубоийлари ва бошқа асарларидан ташкил топган «Девони Фоний» китоби олти минг байтдан ортиқ шеърни ўз ичига олади. Навоийнинг ўзи бу китобни «Майдон ул-балоғат» деб ҳам атаган. Бунда улуғ Навоий форс-тожик адабиёти сухан майдонининг ажойиб чавандозлари Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ва бошқалар билан беллашиб кўришни, бу соҳада балоғат ва фасоҳат кўрсатишни, сўнг эса она тили – туркий тилда лирик ва эпик асарлар яратиб, ўз халқини яққалам қилиш, ўзбек шеърятини ҳам юксак бадиият кўкига кўтариш мақсадини олдига қўйган. Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» асари билан танишиб чиққан киши ўн бешинчи асргача ҳам, ўн бешинчи асрда ёки ундан кейин ҳам ҳеч бир шоирда учрамаган бир ҳолатнинг гувоҳи бўлади. Чунки на тожик шоирлари ва на ўзбек шоирларидан бирортаси ўтмишда ўз девонидаги ғазалларнинг ҳар бирига алоҳида сарлавҳа қўйиб чиқмаган. Қайси ғазали қайси шоирга татаббуъ эканини алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтирмаган. Алишер Навоий эса **Шарқ адабиёти тарихи**да биринчи бўлиб бу ишни бажарган.

Навоийнинг форсий меросини Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Абдурахмон Жомий («Нафоҳат ул-унс»), Сом Мирзо («Тухфаи Сомий»), Ризо Қулихон Ҳидоят («Мажма ул-фусаҳо»), Хусайн Воиз Кошифий («Тафсири форсий») каби форс тазкиранавислари жуда юксак баҳолаган ва тақдирланган эди. Унинг «Тухфат ул- афкор» қасидаси буюк Жомийнинг юксак баҳосини олганлиги, ҳатто рамзий совғалар (бўрк ва рўмол) билан тақдирлангани маълум. Хондамир, Камолиддин Биноий, Абдуллоҳ Хотифий каби тарихчи ва шоирлар ҳам Навоий форсий меросига жуда юксак баҳо берадилар.

Буюк шоир Фоний тахаллуси билан ёзган форсий шеърларида форс-тожик мумтоз адабиётининг моҳир устозлари қаторида тура оладиган асарлар яратди, ўз давригача беш юз йиллик тараққиёт даврини босиб ўтган форс-тожик адабиётини маълум даражада яқунлади.

Иккинчи фасл **«Девони Фоний»: тадқиқ, талқин, нашр ва таржималар»** деб номланиб, унда ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб «Девони Фоний» тадқиқи йўлидаги Айний, Фитрат ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишлари, девоннинг нашрлари, ундаги шеърлий асарларнинг таржималарига эътибор қаратилади. Навоийшуносликнинг «Девони Фоний»ни нисбатан кечикиброқ текшира бошлаши мамлакатимиз кутубхона ва кўлёзма фондларида бу девоннинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Айний 97 ғазал, 2 қитъа, 4 рубоийни мазмуни, тили, услуби ва вазнига кўра Алишер Навоийники деб ажратади, булар ёнига шоирнинг бошқа асарларида ҳамда турли кўлёзма манбаларида учраган форсий шеърларини қўшиб, Алишер Навоийнинг форсий шеърларидан кичик бир тўплам тузади⁷.

⁷ Айний. Алишер Навоий. –Душанбе...Нашриёти Давлати Тожикистон, 1948. –Саҳ..181-182.

Фитратнинг 1925 йилда ёзган «Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида» мақоласи «адабиёт ва санъат дунёсида энг теран қараш эгаси» бўлган машҳур Бобур Мирзонинг «Навоийнинг аксар форсий абёти сушт ва фуруддир» деган кўпчиликка маълум фикрини қабул эткуси келмас»лигига бағишланган. XV аср тазкиранавислик тарихидан чуқур хабардор Фитрат Навоийнинг форсий меросига Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Абдурахмон Жомий («Нафоҳат ул-унс»), Сом Мирзо («Тухфаи Сомий»), Ризо Қулихон Ҳидоят («Мажма ул-фусаҳо»), Ҳусайн Воиз Кошифий («Тафсири форсий») каби форс тазкиранависларининг фикрига таянган ҳолда баҳо беради ва шоирнинг форсийда ҳам баракали ижод қилиши сабабларини «Муҳокамат ул-луғатайн»даги маълумотлар орқали асослайди. Айтиш лозимки, Алишер Навоий яратган шоҳ асарлар ўзининг ҳақиқий баҳосини юқорида қайд этганимиздек, ўтган асрнинг 20-йилларида олди. Айниқса, Е.Э. Бертельс, С.Айний ва О.Шарофиддиновларнинг рус, тожик ва ўзбек тилларида чоп этилган монографиялари ўша фазилати билан қимматли. Навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон хорижий олимлар тузган каталоглардан фойдаланиб, Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган «Девони Фоний»нинг энг тўлиқ нусхасини аниқлади ва унинг микрофильмини олишга муваффақ бўлди. Сўнгра олим жаҳоннинг бошқа кутубхоналаридаги Фоний девонларини ҳам текшириб, унинг ҳозирча беш нусхаси борлигини аниқлади. Навоийнинг форсий меросига оид турли-туман фараз, тахмин ва чалкашликларга Ҳамид Сулаймоннинг кўп йиллик изланишлари ва тадқиқотлари хотима берди⁸. Тадқиқотлар Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги девонининг аслини аниқлади ва унинг мукамал ҳажмини тиклади⁹.

Умуман олганда, «Девони Фоний»га доир жиддий мулоҳазаларни биз А.Мирзоев, Р.Ҳодизода, А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, Э.Шодиев, Ш.Шомухамедов, Э.Рустамов, Ё.Исҳоқов, А.Шомухамедов, Р.Воҳидов, С.Эркинов, А.Абдуллаев, Э.Очилов, С.Сотиболдиева, О.Давлатов, Д.Юсупова сингари адабиётшунослар қаламига мансуб илмий ишларда ёрқин кўра оламиз. Муҳими шундаки, мазкур тадқиқотларда Навоий-Фонийнинг форсий меросининг айрим қирралари бугунги адабиётшунослик талаблари мезонида ўрганилиб, тўғри ва холисона хулосалар ўртага ташланади. Алишер Навоий-Фоний шеърлятида анъана ва ўзига хослик муаммосининг талқинига доир йўлланма характеридаги мулоҳазалар баён этилади.

Навоийшуносликда «Девони Фоний»нинг нашри бобида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. XX асрнинг 60-йилларида мазкур тўплам нотугал

⁸ Абдуллаев В., Валихўжаев Б., Шукуров Ш.. Навоийшуносликнинг муҳим ютуғи // Шарқ юлдузи, 1966, 9-сон. –Б. 183-188.

⁹ «Девони Фоний» устида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг баъзи натижалари ЎЗР ФА томонидан ҳар йили Навоийга атаб ўтказиладиган илмий сессияларда проф. Ҳ.Сулаймон маърузаларида тўрт мартаба баён қилинган. Қаранг: Навоий сессияси материалларининг программалари: 1. «Девони Фоний»нинг икки мўътабар Париж қўлёзмалари ҳақида, 1961; 2. Навоий форсий қасидаларининг ижодий тарихига оид, 1962; 3. Навоийнинг форсий рубойлари, 1963; 4. «Девони Фоний» ғазалларининг социал мазмуни ҳақида, 1964.

бўлса-да, сайланма шаклида Техрон (1963) ва Тошкентда (1965) нашр этилди. Шунингдек, ўтган асрнинг 90-йилларида ихчам бир сайланма Тожикистонда (Душанбе, 1993) араб алифбосида ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинди. 2021 йилда мазкур девоннинг нисбатан тўлиқ варианты Али Муҳаммадий томонидан нашр этилди. «Девони Фоний»нинг биринчи нашри 1963 йилда Техронда Эрон олими Рукниддин Хумоюнфаррух томонидан, 1965 йилда Тошкентда атоқли ўзбек олими, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймон томонидан амалга оширилди.

Ўзбекистонда навоийшуносликнинг улкан ютуғи сифатида Алишер Навоий мукаммал асарлари тўплами йигирма ва ўн жилдлиги нашр қилинди. XX томликнинг XVIII-XX жилдлари (Тошкент, 2002-2003) ”Девони Фоний”дан таркиб топган.

Ғафур Ғулом, Шоислом Шомухаммедов, Чустий, Абдуқодир Ҳайитметов, Жамол Камол, Носир Муҳаммад, Саид Ғани, Олимжон Бўриев, Эргаш Очилов, Абдуҳамид Пардаев каби таржимонлар шоирнинг форсий меросидан намуналар таржима қилганлар. «Девони Фоний» таржимаси йўлидаги энг жиддий қадамни Ўзбекистон халқ шоири, забардаст таржимон **Жамол Камол** қўйди. У Алишер Навоий форсий меросидан 200 ғазал ва 10 қасидани анъанавий вазнда – аруз жилоси билан таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди.

Учинчи фасл «**Навоийнинг форсий меросида қўлланилган тахаллуслари**» деб номланган. Мазкур фаслда шоир форсий меросида «Фоний», «Фанойий», «Навоий» тахаллусларини қўллагани ҳақида гап боради.

Изланишларимиз натижасида баъзи манбаларда шоирнинг форсийда қўлланилган тахаллуслари хусусида ҳам ҳар хил фикрлар билдирилганлигига гувоҳ бўлдик. Ҳофиз Нурмуҳаммаднинг 1325 ҳижрийда Қобулда нашр этилган «Тарихи Мозори Шариф» асарида Балх шаҳри мадҳига бағишланган, шу кунгача кўпчиликка маълум бўлмаган икки форсий ғазали ўрин олган. Шоирнинг бу китобдан ўрин олган ғазалари «Фоний» тахаллуси билан эмас, балки «Фанойий» тахаллуси билан ёзилган. Албатта шоирнинг бу тахаллуси кўпчиликка маълум бўлмаса ҳам, у янги эмас. Устод С.Айнийнинг «Намунаи адабиёти тожик» асарида унинг тахаллуси форсийда «Фанойий» деб кўрсатилган¹⁰. 1346 ҳижрийда Қобулда Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний ташаббуси билан «Анжумани тарих» нашриётида чоп этилган «Амир Алишер Навоий (Фоний)» тўпламидан ўрин олган доктор Саид Муҳаммад Абдуллонинг «Вазири маъруфи Афғонистон» мақоласида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: «Бу буюк шахснинг тахаллусига доир ихтилофлар кўзга ташланади. Чунончи, баъзи тазкира муаллифлари, яъни «Намунаи адабиёти тожик», «Оташкадаи Озар», «Осори Ҳирот» ва яна бир неча ўринларда унинг тахаллуси «Фанойий» деб кўрсатилган. Аммо Фаҳрий «Латоифнома»сига ёзилган урдуча муқаддимада, Волайи Доғистонийнинг

¹⁰ Садриддин Айни. Намунаи адабиёти тожик. –Москва .1923. –Саҳ .180.

«Нигористони сухан» китобида ва «Қомус ул-аълум» асарларида унинг форсийдаги тахаллуси «Фоний» деб кўрсатилган¹¹.

Сом Мирзо ҳам ўзининг «Тухфаи Сомий» асарида унинг тахаллуси «Фаной» деб кўрсатган¹².

Шоирнинг ўзи ҳам «Фавойид ул-кибар»нинг 506-ғазалида шундай ёзади:

Фаной маҳз етар **«Ситтаи зарурия»**,
Нединки йўққа зарурат эмас бу навъ олтов¹³.

Баъзи манбаларда хазрат форсий шеърларида ҳам **Навоий тахаллусини** қўллагани ҳақида маълумотлар учрайди. Шоирнинг замондоши Фахрий Ҳиротий (1443-1556) «Радойиф ул-ашъор»нинг мукаммал нусхасининг топилиши¹⁴ ҳам унинг форсий меросини ўрганишда муҳим ҳодисалардан бири бўлган эди. Фахрий Ҳиротийнинг мазкур асарида Алишер Навоийнинг **форсий ғазалларига** ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, бу шеърларга у **«Мавлоно Мир Алишер бо тахаллуси Фони гўяд»** (Мавлоно Мир Алишер «Фоний» тахаллуси билан айтур), **«Амир Алишер гўяд»** (Амир Алишер айтур), **«Амир Алишер фармояд»** (Амир Алишер буюрур), **«Мир Алишер бо тахаллуси Фони фармояд»** (Мир Алишер «Фоний» тахаллуси билан буюрур) тарзида сарлавҳалар қўйганки, Фахрий Ҳиротий «Радойиф ул-ашъор»идаги «Фоний» тахаллуси билан ёзилган бу ғазаллар қайси Фонийники экан? Кашмирлик Муҳсин Фонийникими? Ҳожа Дехдор Фонийникими? Ёки Алишер Навоий - Фонийникими, - деб иккиланишга ҳожат қолмаган. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, Фахрий Ҳиротий ўз китобида ҳар бир ғазални келтиришдан олдин бу кимнинг ғазали, ўша муаллифнинг қайси тахаллус билан ёзган ғазали эканлигини аниқ кўрсатиб ўтган.

Иккинчи боб **«Девони Фоний» композицияси ва поэтикаси»** деб номланиб, биринчи фасл **«Девони Фоний»нинг бадиий қурилиши (композицияси), жанрлар тизими ва таркиби»**ни ўрганишга бағишланган. Девон 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 таркиббанд - марсия, 64 китъа, 72 рубоий, 16 таърих, 266 муаммо, 9 луғз ва 10 қасидадан таркиб топган. «Девони Фоний»да анъанадаги арабча 28 ҳарфга қўшимча равишда форс ва ўзбек тилларига хос бўлган «чим», «же», «гоф» ва «лом-алиф» ҳарфлари билан тугайдиган ғазаллар кўзга ташланмайди. «Девони Фоний»даги ғазаллар ўз мазмун-моҳиятига кўра «Наът», «Татаббуъ», «Тавр», «Жавобия», «Мухтараъ» (ё «Ихтиро») каби турларга ажратилган ҳамда ҳар бир ғазалга алоҳида сарлавҳа қўйилган.

Девондан ўрин олган 554 ғазалнинг 237 таси Ҳожа Ҳофиз Шерозийга, 33 таси Амир Хусрав Деҳлавийга, 52 таси Абдурахмон Жомийга, 25 таси Шайх

¹¹ Амир Алишер Навоий (Фоний). –Кобул .1346. -.Саҳ . 10

¹² Тухфаи Сом. Таълифи Сом Мирзо Сафави. / Ба тасхеҳи Воҳиди Дастгири. –Техрон , 1314 хижрий йил ҳисоби. –Саҳ .181.

¹³ Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. –Тошкент : Фан, 1990. –Б.43.

¹⁴ Шодиев Э. “Радойиф ул-ашъор”да Навоийнинг форсий ғазаллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. № 5.

Саъдийга, 5 таси Мавлоно Котибийга, 5 таси Мир Шоҳийга, 4 таси Камол Хўжандийга, шунингдек, Ҳусайний, Вафой, Хожа Исмат, Қосим Анвор, Хожа Уҳд, Сайфи Турк, Хожа Ҳасан, Салмон Савожий, Амир Сухайлий, Мавлоно Орифий шеърларига бир ёки иккитадан татаббулар мавжуд. Навоий бир неча ғазалга «Татаббуи баъзи азизон» («Баъзи азизларга татаббуъ»), «Татаббуи яке аз акобир» («Баъзи акобирларга татаббуъ»), «Татаббуи ёри азиз» («Азиз дўстга татаббуъ») каби сарлавҳалар қўйган. Алишер Навоий МАТ 20-томлигини ҳам назардан ўтказганимизда ушбу рақамлар билан боғлиқ уйғунликка гувоҳ бўлдик. Лекин шоир ТАТ 10-томлигини кузатганимизда бу рақамлар билан боғлиқ тафовутлар кўзга ташланди.

Ўзига хос услубда, мустақил ёзилган ғазаллар Фоний девонида «Мухтараъ» ёки «Ихтироъ» номи билан белгиланган. «Девони Фоний»га кирган ғазалларни иккита катта туркумга бўлиш мумкин. Биринчи туркум шоирнинг татаббулари, иккинчи туркум эса ўз замонидан шикоят руҳида ёзилган, насиҳат характериға эға бўлган «ихтироъ» характеридаги ғазаллардир. Бу орқали «улуғ шоир, биринчидан, яратган татаббулари кимнинг ғазалиға боғланганини махсус қайд этди. Иккинчидан татаббунавислик жараёнида мухтараъ ва ихтиро яратиш анаъанасини бошлаб берди. Учинчидан, бошқаларнинг ғазалларига татаббуъ ёзиш билан бирға, ўз ғазалларига ҳам татаббуъ битиш анъаналарини юзаға келтирди. Тўртинчидан, бир шоир ғазалиға татаббуъ боғлар экан, бошқа шоир услубидан фойдаланиш мумкинлигини намойиш этди. Бешинчидан, татаббунависликда шакл ва мазмун унсурларини алоҳида-алоҳида олиб ривожлантириш мумкинлигини кўрсатиб берди»¹⁵. Аслини олганда эса, Навоий у ёки бу шоирға издошлик қилиб, татаббуъ ёзиш баҳонасида шаклан гўзал ва бадий юксак ғазаллардаги «ижодий янгилик ва топилмаларни ривожлантиришни мақсад қилиб»¹⁶ қаламининг кудратини намоеън этган.

«Девони Фоний»да қитъа жанри ҳам алоҳида ўрин тутати. Шундан 44 таси 2 байтли, 13 таси 3 байтли, 5 таси 4 байтли ва 2 таси 5 байтли қитъалардир. Қитъаларда шоирнинг маънавий-ахлоқий қарашлари, шахсий кузатишлари билан бир қаторда шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрлари ҳам ўз ифодаланган. Девондаги рубоийларнинг барчаси таронаи рубоийлардир.

Бобнинг иккинчи фасли «Татаббуъ – янги ижодий майдон» деб номланади. Маълумки, Алишер Навоий татаббунависликни адабий йўналиш даражасига кўтарди ва бу билан ўзига хос анъана яратди. Шу билан бирға асос қисмини татаббуъ ғазаллар ташкил этган «Девони Фоний»ни тартиб берди. Алишер Навоийнинг татаббуларини ўрганиш жараёнида шуни кузатдикки, шоир баъзи ғазалларға маъно ва мазмун (ғояси, мавзуи, образлари), шакл белгилари (вазн, қофия радиф) жиҳатидан ўхшатма тарзида

¹⁵ Файзуллоев Б. Ўзбек шеърлятида татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари. НДА. –Тошкент, 2002. –Б.12-13.

¹⁶ Давлатов О. «Девони Фоний»: анъана ва ижодий фардият // «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзуидаги 2-анъанавий халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: O'zbekiston, 2018. –Б. 98.

татаббуъ битган бўлса, баъзиларининг вазн, қофия ва радифи сақланган ҳолда мазмуни эркин, шеърӣ санъатлар чуқур ишланган маснуъ татаббулар ёзади, баъзи ғазалларга эса мазмунга катта эътибор берган ҳолда вазн ва радиф янгиланган, шакл ўзгача матбуъ татаббулар ижод қилади. Навоӣ салафлари қўллаган тимсоллар, адабий анъаналардан усталик билан фойдаланиб, гоҳо татаббуъ қилинаётган асар сўзлари чегарасидан чиқмай, янги мазмун ифода этади, гоҳо янги қофия, янги сўзларни ишга солади, гоҳо матлада асос ғазалдан унча узоқлашмайди, гоҳида матладан узоқлашиб кетади-ю, мактада шоирнинг ўз мисраларини тазмин қилиб, яна унга қайтиб келади.

Алишер Навоӣ форсий девонида Ҳофиз Шерозӣ, Саъдий Шерозӣ, Амир Хусрав Дехлавӣ, Абдурахмон Жомӣ , Камол Хўжандӣ ва бошқа шоирларга издошлик қилар экан, кўп ҳолларда маҳоратда ўз салафларидан ҳам юқори поғонага кўтарилди олди. Улар йўлидан бориб, ажиб нозик ҳис-туйғуларга тўла *риндона, ошиқона, орифона* лирик шеърлар яратди.

Навоӣ, қаердаки, шоир **Дехлавӣ** ва унинг ижоди ҳақида зикр қилса, унга параллел равишда **ишқ** сўзига урғу беради. Хусусан, тасаввуфӣ талқинларда ҳам бир томондан **Жомӣдаги орифона рух** сезилса, иккинчи томондан **Ҳофиздаги риндона кайфият** мотивлари кўзга ташланиб туради. Учинчидан, энг асосий ҳисобланган **Ишқ мавзуси ва уни тасвирлаш услубида Хусрав руҳи** сезилиб туради.

Ишнинг учинчи фасли «**Мухтараъ – кашф ва ихтиро намунаси**» деб аталган. «Девони Фонӣ» таркибида жавобия ва ё татаббуъ тарзида айтилган ғазаллар билан бир қаторда бевосита Алишер Навоӣнинг ўз кашфиёти бўлган шеърлар ҳам талайгина учрайди. Навоӣ-Фонӣ қаламига мансуб ихтироъ ғазаллар мавзулар оламининг бойлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир, «Девони Фонӣ»да «*Аҳли замон шикоятда*», «*Олам аҳли бевафолиги хусусида*», «*Аҳли замон бевафолиги ҳақида*» сарлавҳалари остида ўнлаб шеърлар жойлаштирилган. Шоирнинг ушбу шеърлари бевосита даврдан, замонадан норозилик кайфиятлари талқинига аталган ғазаллар ҳисобланади.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Навоӣ фақат улкан салафлари ва айрим замондошларигагина эмас, баъзан **ўз ғазалларига ҳам татаббулар** (жавобиялар) битган. «Девони Фонӣ»да «Мухтараъ» сарлавҳаси билан келган қуйидаги:

Ба субҳ тоибам аз меҳнати хумори шароб,
Вале ба шом дигар дорам интизори шароб¹⁷.

Мазмуни:

Шароб хумори азобидан тонгда тавба қиламан,
Аммо шомда шароб ичишга яна интизор бўламан,-

¹⁷ Алишер Навоӣ. МАТ.18-том. – Тошкент: Фан, 2002. –Б. 140.

матлали ғазалдан сўнг «*Дар жавоби шеъри гузашта*» («*Юқоридаги шеърга жавоб*») сарлавҳаси билан яна янги ғазал яратган. Бу ғазалдан қуйида икки байт келтирамиз:

Чунон шудасть рухат гул-гул аз баҳори шароб,
Ки дигарем ба дил афканд хор-хори шароб.
Балохўрони хароботи ишқро дар дил,
Чи фитнаҳо, ки дарояд зи раҳгузори шароб.¹⁸

Олим Давлатов «Фонийнинг мухтараъ ғазаллари» мақоласида бу икки ғазални қиёсий таҳлил қилиб, асосли хулосаларни баён этади: «Агар биринчи ғазалда лирик қахрамоннинг иштиёқи, умидворлиги, рухий ўзгаришлари шароб хуморидан тавба қилиш йўлидаги ночорлиги орқали тасвирланган бўлса, иккинчи ғазалда бу иккиланишлар буткул бартараф бўлиб, шоир ўз дардининг чораси шаробда эканлигини изҳор этади. Биринчи ғазалда рухий тасвир унсурлари етакчилик қилса, иккинчи ғазалда фалсафий оҳанг устувор. Шу тариқа, айти бир мавзуда, вазн, қофия ва радиф, асосий тимсолни ўзгартирмасдан ҳам иккита мустақил ва айти пайтда бир-бирини тўлдирувчи, умумлашма хулосалар, кутилмаган ташбеҳлар, олдин учрамаган кузатувларга бой, энг муҳими, ҳар бири ўзгача кайфият бағишловчи асар яратиш мумкинлигини ушбу ғазаллар мисолида кўрамиз»¹⁹.

Фонийнинг мухтараъ ғазалларида кўзга ташланадиган янгиликларидан яна бири шуки, у халқ тилида мавжуд, аммо ўша давр ёзма адабиётида қўлланилмайдиган сўзларни дадиллик билан қўллаб, шеъриятни лексик жиҳатдан ҳам бойитган. Яъни «ғазалдаги «*балохўрон*», «*кафандоз*» сўзлари «Фарҳанги забони тожики»да мавжуд эмас. Қолаверса, бу сўзлар Фонийнинг ғазалнависликдаги устозлари – Ҳофиз, Саъдий, Амир Хусрав ва Жомийнинг асарларида ҳам учрамайди. Навоийнинг туркий тилда ёзган асарларининг луғавий бойлиги тенгсиз эканлигини олимларимиз аллақачон исботлашган. Маълум бўладики, Навоий-Фоний туркий асарларида қўллаган муваффақиятли тажрибаларини форсий ғазалларида ҳам татбиқ этган ва бунда ҳам юксак натижаларга эришган».²⁰

Иккинчи бобнинг тўртинчи фаслида «**Қитъа ва рубойларнинг поэтик хусусиятлари**» таҳлилга тортилган. Бизнинг кузатишларимиздан маълум бўлишича, «Девони Фоний»даги рубойлар икки йўл билан яратилган. Девондаги рубойларнинг асосий қисми бевосита форсий тилда ёзилган. Баъзи тўртликлар эса ўзбек тилидан таржима қилинган. «Ғаройиб ус-сиғар»даги қуйидаги бир рубойда ҳижрон туйғуси фавқулудда кўтаринки шаклда тараннум қилинади:

Ҳажрингда менинг сабрима жуз нуқсон йўқ,
Кўнглум аро ғайри нолау афғон йўқ,
Жонимға ҳаёт умиди худ макон йўқ,
Йўқ, йўқ, сабр йўқ, кўнгул йўқ, жон йўқ.

¹⁸ Кўрсатилган манба. 142-бет.

¹⁹ Давлатов О. Фонийнинг мухтараъ ғазаллари / ЎзАС, 2013. № 47.

²⁰ Кўрсатилган манба.

Рубоий форсийда бундай таржима қилинган:

Эй, бе ту маро ба сабр жуз нуқсон не,
Дилро зи ғамат жуз алами ҳижрон не,
Жонро ҳам ғайри меҳнати ҳирмон не,
Не-не, сабр нею дил не, жон не.

Шоир таржимада оригиналдаги рубоийнинг фақат мазмунини эмас, шаклий белгиларини ҳам деярли тўла сақлашга ҳаракат қилган. Навоийнинг «Омад ба мани хаста зи дилбар қоғоз» сатри билан бошланадиган форсий рубоийси ҳам ўзбек тилидаги «Номангки, тириклигимда улдур матлуб» деб бошланадиган тўртлигининг эркин таржимасидир.

Навоийгача форсий тилда тарсели рубоийлар айтилмаган. Навоий биринчи бўлиб бу санъатни рубоийда ишлатган. Навоий фақат форсий рубоийларида эмас, балки туркий рубоийларда ҳам биринчи бўлиб тарсеъ санъатини маҳорат билан қўллайди²¹.

Навоий ҳар икки тилда ҳам рубоий жанрини янги фикр, туйғу, янги образлар, гўзал бадий санъатлар билан бойитди.

Улуғ шоирнинг “Девони Фоний”даги форсий рубоийлари ҳажм эътибори билан ҳам туркий рубоийларидан фарқ қилади. «Хазойин ул-маоний»да 133 та рубоий мавжуд бўлса, форсий девондан эса 72 та рубоий ўрин олган. Демак, Навоий рубоий шаклидан форсий тилда ҳам кенг фойдаланган.

Форсий қитъаларда шоирнинг маънавий-ахлоқий қарашлари, шахсий кузатишлари билан бир қаторда шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрлари ҳам ўз ифодасини топган. Шоир шеърият масалалари юзасидан сўз юритар экан, етук адабиётшунос олим сифатида шеъриятга баҳо беради. Улуғ шоир баъзи қитъаларида форсий ва туркий шеърлари ҳақида, айникса, татаббулари хусусида ажойиб фикрлар баён этади:

Татаббуъ кардани Фонӣ дар ашъор,
На аз даъвию на аз худнамоист.
Чу арбоби сухан соҳибдилонист,
Муродаш аз дари дилҳо гадоист²².

Учинчи боб «**Туркий ва форсий тиллардаги назиралар**» деб номланиб, икки фаслдан таркиб топган. Бобнинг биринчи фасли «**Шоирнинг икки тилдаги шеъриятида мавзу, ғоялар талқини ҳамда шаклий унсурлардаги уйғунлик ва муштараклик**» деб номланган. Алишер Навоий кўп ҳолларда ўз кечинмаларини фақат бир тилда эмас, балки худди шу ҳолат ва шу кайфиятни ҳар икки тилдаги ажойиб сатрларда ҳам ифодалаб, ўз кечинмаларидан, мулоҳазаларидан ва фалсафий қарашларидан форсийзабон халқларни ҳам баҳраманд қилишга эришди.

Кўзғади оҳим сўнғак бирла тани ғамнокни,
Ел совурди бир овуч туфроғ ила хошокни²³.

²¹ Бу ҳақда қаранг: Исоқов Ё. Тарсе. \\Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. №4.

²² Кўрсатилган манба. –Б. 29.

Мазкур ғазал «Ғаройиб ус-сиғар»дан ўрин олган. «Девони Фоний»да шу ғазалга кўп жиҳатдан яқин бўлган, шу вазн (рамали мусаммани маҳзуф), қофиялар тизими қарийб айнан такрорланган форсий ғазал мавжуд. Иккала ғазал ҳам етти байтдан иборат, икковида ҳам «гамнок», «чок», «афлок», «тарёк», «нок» сўзлари қофия сифатида келади.

Ғар парда андозад маҳам он рўйи оташнокро,
Сўзам ба оҳи оташин нўҳ пардаи афлокро.²⁴

Маълум бўлишича, «Хазойин ул-маоний»дан келтирилган юқоридаги ғазал ҳам Амир Хусрав Дехлавийга татаббуди. Навоий бу шоир ғазалига ҳам ўзбекча, ҳам тожикча татаббуъ битган. Ўзбекча ғазалларга алоҳида сарлавҳа қўйилиб, у кимга татаббуъ экани кўрсатилмаган, «Девони Фоний»да эса шоирнинг ўзи буни таъкидлаб ўтган.

Кузатишларимиздан аёнлашдики, мазкур ғазал ва «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 616-ғазали ўртасида жуда кўп ўхшашликлар кўзга ташланади. Ғазаллардаги асосий мавзу ҳам ишқ. Ёр ўша-ўша зулмкор, ошиқ эса озурдахол. Туркий ғазалда ишқ тиғи ошиқ кўксини чок этса, мазкур «вазифа»ни форсий ғазалда ёр кулоҳи бажаради. Гўзалнинг тенгсиз қадд-қомати ҳар иккала ғазалда ҳам васф этилади: туркий ғазалда ошиқ ёр қадди гўзаллигидан ҳайрат бармоғини тишласа, форсий ғазалда одамлар тугул, фаришталар ҳам бу гўзалликдан «алҳазар» деб юборади. Аммо Навоийнинг туркий ғазалини форсий ғазалнинг айнан таржимаси деб бўлмайди. Навоий туркий ғазалда **тадриж санъати** воситасида ошиқнинг чеккан оҳи дастлаб ўз вужуд-у суюқларини, кейин юлдузлар ва фалакни ўртади, деса, форсий ғазалда эса тўғридан тўғри ошиқнинг оҳи тўққиз фалакнинг пардасини куйдиришини айтади. Туркий ғазалда ёрга нисбатан «қуёш», «кофири бебок» истиоралари ишлатилган. Форсий ғазалда эса маъшуқа «рўйи оташнок», «кажжулаҳ», «сиймбадан» сифатида таърифланган. Навоий ғазалида мусулмон, зоҳид образи учраса, Фонийда муршид (пир) образи бор.

11 байтдан иборат ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 2-ғазалида²⁵ Илоҳий ҳусн барча мавжудот ва ҳодисотнинг асоси –мабдаи сифатида таърифланади. “Девони Фоний”да шу ғазалга кўп жиҳатдан яқин бўлган, шу қофиялар тизими қарийб такрорланган форсий ғазал мавжуд²⁶. Шоирнинг «**Бор эди**»²⁷ радифли туркий ғазалига форсийдаги «**Доштам**»²⁸ радифли ғазали ҳар жиҳатдан ҳамоханг, ўхшашдир.

«Хазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний»да бир-бирига ўхшаш бундай ғазаллар, рубоийлар, қитъалар кўпчиликини ташкил этади. Биз уларни

²³ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ғаройиб ус-сиғар. –Тошкент:Фан, 1988. –Б. 471.

²⁴ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. –Тошкент:Фан, 2002. –Б. 16.

²⁵ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том.–Тошкент:Фан, 1989. –Б. 449.

²⁶ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. –Тошкент:Фан, 2002. –Б. 10.

²⁷ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том.–Тошкент:Фан, 1989. –Б. 448.

²⁸ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 19-том. Девони Фоний. –Тошкент:Фан, 2002. –Б. 312.

тўпладик. «Алишер Навоийнинг туркий ва форсий тилдаги назиралари» номи билан уларни келгусида нашр этиш ниятидамиз.

Тадқиқотнинг иккинчи фасли «Навоийнинг форсий ва туркий шеърлятида ирфоний ғояларнинг бадий талқинларидаги ўхшашлик» деб аталади. Алишер Навоий икки тилдаги ғазалларининг кўпчилигида фақрлик улуғланади, бақони истаган киши аввало фано бўлиши зарурлиги уқтирилади:

Бирор етти сангаким ўзлуги даштини тай қилди,
Бақо истар киши аввал керак қилса фано пайдо²⁹.

Мазкур байтда «Кимки ўзининг фонийлигини билса, Раббининг боқийлигини билади» ва «Фарқлик менинг мадори ифтихоримдир ва қиёмат кунида мен унинг-ла фахр этурман» ҳадисларининг мазмуни ўзлаштирилганлигини пайқаш қийин эмас.

Нафс хор этмиш Навоийни, азиз эт фақр бирла,
Эй жалолу раҳматингдан гар залилу гар муаззаз.

Форсий девондан келтирилган куйидаги мисраларда ҳам мазкур ғояга ҳамоҳанг бадий талқинга гувоҳ бўламиз:

Чу саркашест тариқи риё, сари Фоний,
Шавад ба дайри фано хоки остон, ё Раб³⁰.

Мазмуни: Эй Раббим, риё йўли –ўжарлик йўли, шунинг учун
Фонийнинг боши фано дайрининг остонасида тупроқ бўлсин.

Хизр, Нух, Исо, Сулаймон, Қорун номи билан боғлиқ Куръоний қиссаларга мурожаат орқали Мир Алишер ғазалларида талмеҳ санъати қўлланган. Бундай майлдан кузатилган бош мақсад Оллоҳ таолонинг мислсиз куч-қудратини кўрсатишдан иборатдир. Бу бадий тимсоллар остида «Ҳақ–Инсон» муносабатлари жуда юксак санъат билан яшириниб келади.

Заҳри фироғингдин қаю ошиққи бўлди талхком,
Нўши висолинг етмаса, Исо анга топмас даво³¹.

Шунга ўхшаш ифода услубини «Девони Фоний» мисраларидан келтираамиз:

Чун Масиҳо руҳбахшон бошад он жо аз нафас,
То ба иззат дар бисоташ неҳ нафасро, дор пос³².

Мазмуни: Исо сингари у ерда нафасидан жон бахш этувчилар бор,
Унинг бисотига иззат билан оёқ босу нафасингни сақла.

Исо алайҳиссалом даврида табобат илми шундай даражада тараққий қилган эканки, биронта ҳам дард давосиз ҳисобланмаган эмиш. Исо мўъжизавий нафаси билан ўликларга жон бахш этиб, бу жараёнга қувват берган экан. «Оли Имрон» сурасининг 49-оятда шундай хабар берилади: «Мен (ўзимнинг Ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) сизларга

²⁹ Навоий Алишер. МАТ. Бадоеъ ул-васат. –Тошкент : Фан, 1990. –Б.199.

³⁰ Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. –Тошкент : Фан, 1990. –Б.120.

³¹ Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. –Тошкент : Фан, 1990. –Б.69.

³² Навоий Алишер . МАТ. 20 томлик. 19-том. Девони Фоний. –Тошкент : Фан, 2003. –Б.82.

Парвардигорингиздан оят –далил келтирдим: Мен сизларга лойдан куш тимсолини ясаб унга туфласам, у Оллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий куш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Оллоҳнинг изни билан ўликни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйларида сақлайдиган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят –далиллар бордир». Яъни агар Оллоҳ бу кароматни унга ато этмаганида, ҳайратли мўъжизалар сирини очишни хоҳламаганида, Исонинг қўлидан бир кишига ҳам шифо бериш келмасди. Мавжудотдаги барча ажойиботлар Оллоҳнинг амридадир. Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, улуғ шоирнинг ҳар иккала тилдаги ғазалларида наинки ғоявий мазмун, балки бадиият жиҳатдан ҳам уйғунлик устувордир.

Тўртинчи боб **«Навоий-Фоний қасидаларининг ғоявий-бадий хусусиятлари»** деб номланиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фасли **«Шарқ қасидачилиги ва Навоий-Фоний қасидалари»** деб номланган.

«Ситтаи зарурия»да мусулмон минтақа халқлари адабиётида шаклланган қасидачилик анъанасининг барча талаблари ўзининг ижодий тажассумини топган. «Ситтаи зарурия» таркибидаги ҳар бир шеър мустақил, айни пайтда яхлит маъно занжирига эга қасидалар туркумидир. «Ситтаи зарурия» қасидалари ўзаро бир-бирига бовастадир. Яъни, 1-қасида илоҳий тавҳид – олам ягоналиги, Ягона абадий ва азалий борлиқ, Ягона Парвардигорнинг қудрат ва азимати, заррадан коинотгача жамики олам ишлари, ўзгаришлар, ҳаракатларни бошқариб, Ўз қудратини намойиш этиш мадҳ этилса, 2-қасидада олам меҳвари Пайғамбар (САВ)нинг муборак меърожи, унинг дийдорига собит-у сайёра, арш-у курси, ой-у қуёш муштоқ-мунтазирлиги, малакларнинг Расули акрамни шод кутиб олиши, Парвардигор билан мулоқот тасвирланади; 3-қасидада фақр ва салтанат ўзаро қиёсланиб, фақрнинг улуғлиги, устуворлиги исботланади; 4-қасидада дунёнинг бебақо ва бевафолиги, фалак зулми тилга олиниб, одамларнинг ана шу ўткинчи, фоний дунёга меҳр қўмай, охират сари ўзларини чоғлаб бориши, руҳий-маънавий юксалишга эътибор қилиши кўрсатилади; 5-қасидада жаннатдан бадарға бўлган Одам Ато фарзандлари бани башарнинг чин инсонийлик – Комил инсонга хос бўлмаган нохуш ва номуносиб ахлоқий белгилари, нафс йўлида қилган ножоиз ишлари танқид қилинади ва 6-қасидада ана шу нуқсонлардан қутилишнинг йўли тариқат экани, тасаввуф ва тариқат – Комилликнинг бош йўли экани батафсил тушунтирилади.

Хуллас, олти қасиданинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ мавзуларда яратилган бўлиб, бунда боғловчи бош мавзу илоҳиёт ва илоҳиётга яқинлаштирувчи комиллик тараққиёти ҳақидаги ғоялардир. Туркум таркибидаги олти қасидадан тўрттаси – «Тухфат ул-афкор» Амир Хусрав Дехлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасига, «Кут ул-қулуб» Анварий қасидасига, «Минҳож ун-нажот» Хоқоний ва Анварий қасидаларига, «Насимул ул-хулд» эса Хоқоний

қасидасига жавоб, татаббуъ тарзида ёзилган. Алишер Навоий бу машҳур қасидаларнинг мавзуи ва шаклини сақлаган ҳолда, уларни мазмунан ривожлантириб, янги ғоялар, фикрлар, адабий санъатлар орқали тўлдирган, янги руҳдаги қасидаларни вужудга келтириб, ўз санъати ва маҳоратини намойиш этган. Шу асосда «Ситтаи зарурия» яхлит бир туркум асарлар қиёфасини олган.

Бобнинг иккинчи фасли **«Қасидаларнинг илоҳий-исломий сарчашмалари»** деб номланган. «Ситтаи зарурия» ва «Фусули арбаа» мисраларидаги ғоялар ва ояти карималардаги моҳият бир-бирига тўқис ҳамохангдир. Алишер Навоий тафаккурида устувор ўргашган Қуръони карим таълимоти, унинг юксак инсонпарварлик ғоялари улуғ шоир асарларига ҳаётбахш руҳ ҳадя этиб турибди. Зеро, илоҳиёт ва илоҳий олам кудратига умид боғлаб, унга сиғиниб яшаган улуғ шоир фақатгина яхшилик ва эзгуликка чорловчи илоҳий китоб оятларини асарлари маъзига сингдириш билан барча мавжудотлардан олий қилиб яратилган ҳазрати инсонни, унинг дарди, ташвиши, руҳияти ва маънавиятини куйлашни ҳамма нарсадан устун қўяди. Инсонни ўрганиш ва поклаш, нуқсонлардан холи ҳолда тасаввур этиш, унинг маънавий камолотини ўйлаш улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг олий орзуси эди. Улуғ шоир чинакам инсонийликни айнан илоҳийликда, илоҳий файздан баҳрамандликда кўради. Қуръони Каримда бир неча ўринда инсон Худонинг ердаги халифаси, у энг мукаррам зот, махлуқотнинг гултожи, дея таърифланади. Шоир инсоннинг ана шу улуғ шарафга чинакамига муносиб бўлишини истайди. Ҳазрат Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳам унинг ислом маънавий хазинасидан, тасаввуф илмидан баҳраманд бўлиб, Комил инсон ҳақидаги ширин орзуларни улуғлашидадир.

Учинчи фасл **«Ситтаи зарурия»: анъана ва ўзига хослик»** деб аталади. Шарқ мумтоз адабиётида Аллоҳ ва олам алоқадорлиги, боғлиқлиги талқинига бағишланган жуда кўп асарларда тўрт фасл, тўрт унсур, тўққиз фалак, ўн икки бурж каби мавзулар узвий кетма-кетликда тасвирланади. Бу «Ситтаи зарурия»нинг бой илоҳий ва адабий сарчашмалар заминидан юзага келганидан далолат беради.

Алишер Навоий Оллоҳ-Олам алоқадорлигининг барча сабабларини Аттор «Илоҳийнома»да санаб ўтган руҳнинг олти жиҳатига тегишли деб билади. Бу олтилик тизими таркибий қисмлари ўз навбатида яна бир неча олтилик тизимига бўлинади, яъни Инсон ва Коинот, Инсон ва Мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги олам олти илоҳий кун маҳсули («Рух ул-қудс»да бу хусусда маълумот берилади), олти «нодир жиҳати коинот ва фақр рукнлари («Айн ул-ҳаёт» ва «Тухфат ул-афкор» қасидасида бунга кўпроқ урғу берилади), олти иймон аркони таркибий қисмлари («Қут ул-қулуб»да аркони иймон шартлари кенг изоҳланади), жисм қафасида руҳ соғлом тараққий этишининг олти тиббий асоси («Минҳож ун-нажот»да бу масалага доир асосли ишоралар бор), намоз фароизидаги олти хориж ва

дохил фарзлар («Насим ул-хулд» ва «Қут ул-қулуб»)да бу масалалар тасвирига кенгроқ аҳамият берилган) бир-бирига боғлиқ равишда бир илоҳий моҳиятга бориб тақалади ва шу тариқа олтилик тизими– «Ситтаи зарурия» шаклланади. Бу олтиликларнинг барчаси умумий бир илоҳий мақсадга–одам жисми қафасидаги руҳни Мутлақ Руҳ томон тараққий этиб боришини таъминловчи узлуксиз тадрижий жараёнга хизмат қилади.

Охирги бобнинг тўртинчи фаслида «Ситтаи зарурия»да **қофия, вазн, ташхис**” масалаларига дахл қилинди. Қасида ёзишнинг қийинчилиги бу жанрнинг қатъий қофиялаш талаби ҳамдир. «Ситтаи зарурия» қасидалар туркуми ана шу юксак талабга тўлиқ жавоб бера олади. Масалан, туркум таркибидаги биринчи қасидадаги 133 қофиядош сўзлар (чунки қасида 132 байтдан иборат) байт маънолари ва умуман асар мазмунига мувофиқ бўлиб келган. Улардан иккитаси такрорланган. Чунончи, «сафо» – 2 марта (44- ва 78- байтларда), «саҳо» – 2 марта (39- ва 77- байтларда) қайтарилади. Бироқ бу сўзлар ҳар гал янги маъноларда қўлланилганки, бу такрорлар деярли сезилмайди. Қасидада Алишер Навоий қофия воситасида ўз ўқувчиси диққатини байтлардаги энг муҳим фикрларга жалб қилади. Масалан, шоир Баҳор манзараларининг гўзал тасвирини беришда сўзларнинг маънавий теранлиги ва оҳангдорлигига катта эътибор берган. Баҳорги боғ жилосини, ундаги табиий ҳолатларни ифодалашда улуғ шоир *эхъё, губро, намо, гизо, дунё, боло, зебо, шайдо, саҳбо, саҳо, раъно, маъво, дебо* каби қофиядош сўзларни келтирса; Меърож воқеасини тасвирлашда эса *асро, авъадно, баҳо, хо, зарро, Мусо, худо, ифшо, ҳаққо* каби сўзларни қўллайди. «Тухфат ул-афкор»да эса 100 та қофиядан фақат 4 таси такрорланган. Қофиядош сўзлар такрор бўлса ҳам, бошқа-бошқа маъноларда келган. Қасидада «сар» 4 марта, «бар» 3 марта, «дар» ва «роҳбар» 2 мартадан такрорланган. Аммо бу сўзлар ҳар гал янги маъноларда қўлланилганки, бу такрорлар деярли сезилмайди. Масалан, «сар» сўзи – бош оғриғи, бошида, чаённинг боши, бошдадир маъноларини ифодалаб келган. Ҳар қайси мисра, байтдаги қофиядош сўзларда шоирнинг ғоявий-бадиий нияти ўз тажассумини топган.

«Руҳ ул-қудс» қасидаси арузнинг ҳазажи мусаммани маҳфуз, «Айн ул-ҳаёт» ва «Тухфат ул- афкор» рамали мусаммани мақсур, «Минҳож ун -нажот» ва «Насим ул-хулд»эса ҳазажи мусаммани мақсур баҳрида битилган.

«Руҳ ул-қудс» қасидасида олам ва одам сирлари ташхис санъати асосида ёнма-ён талқин этилган Қасидада мазкур (ташхис) маънавий санъатни кенг қўллаш орқали Илоҳ ва инсон, Холиқ ва махлуқ, табиат ва шахс бирлигига алоҳида аҳамият берилган.

ХУЛОСА

1. Навоийнинг форсий меросини Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Абдурахмон Жомий («Нафоҳат ул-унс»), Сом Мирзо («Тухфаи Сомий»), Ризо Қулихон Ҳидоят («Мажма ул-фусаҳо»), Ҳусайн Воиз Кошифий («Тафсири форсий»), Абдуллоҳ Хотифий, Камолиддин Биноий,

Гиёсиддин Хондамир каби форс тазкиранавис, шоир ва тарихчилари жуда юксак баҳолаган ва тақдирлаган эди.

2. Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» асари билан танишиб чиққан киши ўн бешинчи асргача ҳам, ўн бешинчи асрда ёки ундан кейин ҳам ҳеч бир шоирда учрамаган бир ҳолатнинг гувоҳи бўлади. Чунки на тожик шоирлари ва на ўзбек шоирларидан бирортаси ўтмишда ўз девонидаги ғазалларнинг ҳар бирига алоҳида сарлавҳа қўйиб чиқмаган. Қайси ғазали қайси шоирга татаббуъ эканини алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтирмаган. Алишер Навоий эса адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб бу ишни бажарган.

3. Алишер Навоий татаббунависликни адабий йўналиш даражасига кўтарди ва бу билан ўзига хос анъана яратди. Шу билан бирга асос қисмини татаббуъ ғазаллар ташкил этган «Девони Фоний»ни тартиб берди. Татаббуъ ёзишга киришган шоир устозлари даражасида қобилияти борлигини, ўша шаклда, ўша мотивда шеър айтишга ўзининг қодир эканлигини намойиш этади³³. Ҳазрат Навоий татаббуъ битган ғазаллари руҳини сақлаган ҳолда шу руҳни улуғ устозлари савиясида гўзал ифода эта олиш, оҳорий образлар ярата олиш, ўзига хос поэтик мушоҳада юритиш маҳоратини ўз татаббуларида намоён қила олди. Адабий таъсир ва ижодий ҳамкорлик маҳсули сифатида яратилган пайравлар татаббунависларнинг чуқур билим, катта ижодий куч, маҳсус тайёргарлик, адабий ижодий тажрибага эга бўлганлигидан далолат беради. Навоийнинг татаббулари шу жиҳатдан характерлидир. Шоир яратган татаббулар тақлид ва такрордан холи, янги фикр ва тасвирларга бой.

4. Фоний Хожа Ҳофизни ғазал бўстонида энг буюк ва бетакрор шоир деб билиб, унинг ғазалларини бошқалардан устун кўрган. Шунинг учун 554 форсий ғазалининг 237таси Ҳофизга татаббудир. Фонийнинг таъбига ўша ғазаллар манзур тушган ва уларда баён этилган мазмун, образ, бадий ифода ҳамда ирфоний ғоялар Фонийга маъқул бўлган ва шу сабабли улар оҳангида ғазал яратишга интиланган.

5. Хожа Ҳофиз ғазаллари қанча шуҳрат қозонган бўлса, уларга боғланган Фоний татаббулари ҳам шунча машҳур бўлиб, улар форс-тожик ва ўзбек адабиёти тарихида кучли, бақувват ва оригиналга ўхшаган татаббуъ мактабининг ривожланишига муҳим омил сифатида хизмат қилади. Фоний татаббулари ҳофизона оригиналдан қолишмайди ва улар қаторида оригиналлик хусусият касб этган. Ҳофиз ғазалларининг бетакрор оҳорли ғоялари асрлар оша қанча давом этиб, мухлисларни мафтун этиб келаётган бўлса, Фоний татаббулари орқали бу жараён янада қанот қоқиб, ҳофизона мазмунларнинг ёйилиши ва парвозига куч-қувват бахшида этган.

6. Навоий, қаердаки, шоир **Дехлавий** ва унинг ижоди ҳақида зикр қилса, унга параллел равишда **ишқ** сўзига урғу беради. Хусусан, тасаввуфий талқинларда ҳам бир томондан **Жомийдаги орифона руҳ** сезилса, иккинчи томондан **Ҳофиздаги риндона кайфият** мотивлари кўзга ташланиб

³³ Саломов Ф., Комилов Н. Дўстлик ришталари. –Тошкент: Ёш гвардия, 1990. –Б.101.

туради. Учинчидан, энг асосий ҳисобланган Ишқ мавзуси ва уни тасвирлаш услубида Хусрав руҳи сезилиб туради.

7. Алишер Навоийнинг татаббуларини ўрганиш жараёнида шуни кузатдикки, шоир баъзи ғазалларга маъно ва мазмун (ғояси, мавзуи, образлари), шакл белгилари (вазн, қофия радиф) жиҳатидан ўхшатма тарзида татаббуъ битган бўлса, баъзиларининг вазн, қофия ва радифи сақланган ҳолда мазмуни эркин, шеърий санъатлар чуқур ишланган маснуъ татаббулар ёзади, баъзи ғазалларга эса мазмунга катта эътибор берган ҳолда вазн ва радиф янгиланган, шакл ўзгача матбуъ татаббулар ижод қилади. Навоий салафлари қўллаган тимсоллар, адабий анъаналардан усталик билан фойдаланиб, гоҳо татаббу қилинаётган асар сўзлари чегарасидан чиқмай, янги мазмун ифода этади, гоҳо янги қофия, янги сўзларни ишга солади, гоҳо матлада асос ғазалдан унча узоклашмайди, гоҳида матладан узоклашиб кетади-ю мақтада шоирнинг ўз мисраларини тазмин қилиб, яна унга қайтиб келади.

8. Ўзига хос услубда, мустақил ёзилган ғазаллар Фоний девонида «Мухтараъ» ёки «Ихтироъ» номи билан белгиланган. «Девони Фоний»га кирган ғазалларни иккита катта туркумга бўлиш мумкин. Биринчи туркум шоирнинг татаббуълари, иккинчи туркум эса ўз замонидан шикоят руҳида ёзилган, насиҳат характериға эға бўлган «ихтироъ» характериғади ғазаллардир. Бу орқали «улуғ шоир, биринчидан, яратган татаббулари кимнинг ғазалиға боғланганини махсус қайд этди. Иккинчидан, татаббунавислик жараёнида мухтараъ ва ихтиро яратиш анаъанасини бошлаб берди. Учинчидан, бошқаларнинг ғазалларига татаббуъ ёзиш билан бирға, ўз ғазалларига ҳам татаббуъ битиш анъаналарини юзаға келтирди. Тўртинчидан, бир шоир ғазалиға татаббуъ боғлар экан, бошқа шоир услубидан фойдаланиш мумкинлигини намойиш этди. Бешинчидан, татаббунависликда шакл ва мазмун унсурларини алоҳида-алоҳида олиб ривожлантириш мумкинлигини кўрсатиб берди».³⁴ Аслини олганда эса, Навоий у ёки бу шоирға издошлик қилиб, татаббуъ ёзиш баҳонасида шаклан гўзал ва бадий юксак ғазаллардаги «ижодий янгилик ва топилмаларни ривожлантиришни мақсад қилиб»³⁵ қаламининг кудратини намоеън этган.

9. Фонийнинг мухтараъ ғазалларида кўзға ташланадиган янгиликларидан яна бири шуки, у халқ тилида мавжуд, аммо ўша давр ёзма адабиётида қўлланилмайдиган сўзларни дадиллик билан қўллаб, шеъриятни лексик жиҳатдан ҳам бойитган. Навоийнинг туркий тилда ёзган асарларининг луғавий бойлиги тенгсиз эканлигини олимларимиз аллақачон исботлашган. Маълум бўладики, Навоий-Фоний туркий асарларида қўллаган

³⁴ Файзуллоев Б. Ўзбек шеъриятида татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари. НДА. –Тошкент, 2002. –Б. 12-13.

³⁵ Давлатов О. «Девони Фоний»: анъана ва ижодий фардият // «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзуидаги 2-анъанавий халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: O'zbekiston, 2018. –Б.98.

муваффақиятли тажрибаларини форсий ғазалларида ҳам татбиқ этган ва бунда ҳам юксак натижаларга эришган»³⁶.

10. Фоний ғазалларининг мавзулари доирасига назар ташласак, унда куйидаги мотивлар яққол кўзга ташланади: Аллоҳ Таоло ва унинг хусни жамолини мадҳ этувчи –васф ғазаллар, илоҳий ишқни мадҳ ва талқин этувчи ғазаллар, айрилиқ мотивидаги ғазаллар, мажозий ишқни куйловчи ғазаллар, табиат гўзаллигини кашф этувчи ғазаллар, табиат манзаралари билан руҳий олам уйғунлигини очувчи ғазаллар, дўст-ёрлик муносабатларига бағишланган ғазаллар, ижтимоий адолат мавзудаги ғазаллар, май тавсифига бағишланган ғазаллар, замондан шикоят руҳида ёзилган ғазаллар. Девонда бу ғазаллар *«Наът»*, *«Мухтараъ»*, *«Татаббуъ»*, *«Мавизаъ»*, *«Дар тавр»*, *«Дар ҳамон услуб»*, *«Айзан»* сингари сарлавҳалар билан берилган.

11. Навоийгача форсий тилда тарсели рубоийлар айтилмаган. Навоий биринчи бўлиб бу санъатни рубоийда ишлатган. Навоий ҳар икки тилда ҳам рубоий ва қитъа жанрини янги фикр, туйғу, янги образлар, гўзал бадий санъатлар билан бойитди. Навоий рубоий ва қитъалари буюк шоирнинг теран файласуф, ўз даврининг кўзи ва қулоғи бўлган улкан мутафаккирлигини кўрсатувчи муҳим бадий ҳужжатлар сифатида ҳам жуда қимматлидир. Навоий рубоий ва қитъа шаклидан форсий тилда кенг фойдаланган. Шоир ўзининг ишқий, фалсафий, ахлоқий мазмундаги ажойиб рубоий ва қитъалари билан форс-тожик рубоийчилиги ҳамда қитъачилигининг ривожланишига ҳам самарали хиссасини қўшган. «Девони Фоний»даги рубоийлар икки йўл билан яратилган. Девондаги рубоийларнинг асосий қисми бевосита форсий тилда ёзилган. Баъзи тўртликлар эса ўзбек тилидан таржима қилинган.

12. Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърлари ўзининг ғоявий-эстетик тамойиллари, мавзулар олами ва бошқа бир қатор хусусиятлари билан ўзбекча шеърларига тўла ҳамоҳангдир. Шоирнинг ҳар икки тилда яратган шеърлари қиёсий ўрганилганда унинг форсийдаги шеърлари ҳам юксак бадий маҳорат билан ёзилгани яққол кўриниб туради. Навоий-Фонийнинг икки тилдаги баъзи ғазаллари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Шоирнинг икки тилдаги бир-бирига ўхшаш ўндан ортиқ ғазалларини кузатиш натижасида улардаги мавзу ва ғоялар олами, шаклий унсурлар, тасвирий воситалар, тимсоллар муштараклигига яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Шоирнинг икки тилдаги шеърларини қиёсий ўрганиш ижодкорнинг ижод лабораториясига янада чуқурроқ назар ташлашимизда бизга қўл келади. Ҳар икки тилдаги шеърларни қиёсий ўрганиш эса бу ҳақда жуда қимматли маълумотларни беради. Шоир лирикасини янада кенгрок микёсда ўрганишда, ижодининг янги-янги қирраларини кашф этишда бизга кўмаклашади.

13. Алишер Навоий кўп ҳолларда ўз кечинмаларини фақат бир тилда эмас, балки худди шу ҳолат ва шу кайфиятни ҳар икки тилдаги ажойиб

³⁶ Кўрсатилган манба.

сатрларда ҳам ифодалаб, ўз кечинмалари, мулоҳазалари ва фалсафий қарашларидан форсийзабон халқларни ҳам баҳраманд қилишга эришди.

14. Алишер Навоий ҳар икки тилдаги шеърларида очиқ талмеҳ билан бирга мазкур бадиий санъатнинг яширин кўринишига ҳам тез-тез мурожаат қилинган. Талмеҳ, иқтибос, тафсир каби илоҳий-ирфоний ифода шакли Алишер Навоий туркий ва форсий ғазаллари учун фаол ходисадир. Абдурахмон Жомий ғазаллари учун етакчи ҳисобланган **тазмин** санъати улуғ Навоий ижодида жуда кам учрайди. Улуғ шоирнинг ҳар иккала тилдаги ғазалларида наинки ғоявий мазмун, балки бадиият жиҳатдан ҳам уйғунлик устувордир.

15. «Ситтаи зарурия» асари Шарқ қасидачилиги тамойилларининг юксак талабларига жавоб берадиган мукаммал бадиий асардир. Ҳайрат, ҳиссий тасаввур ва руҳ кучи билан яратилган Алишер Навоийнинг бу қасидалар туркумида Инсон ва Коинот, Инсон ва мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, Инсон руҳининг улуғ оламлар бўйлаб сайр этиб, Илоҳ томон кўтарилиши (уруж), инсонийлик даражалари, руҳ тараққиёти даражалари – пок руҳ (руҳ ул-қудс) билан белгиланиши, мавжудотнинг хулосаси ва қаймоғи Комил Инсон инсониятни бошқарадиган Буюк руҳ эканлиги каби исломий-ирфоний, фалсафий ғоялар талқин этилган.

Мазкур туркум таркибидаги ҳар бир қасидада фақру фано улуғланади. «Ситтаи зарурия» қасидаларининг ҳар бири алоҳида хусусият ва услубга эга. Бирида қиёсий ташбеҳлар, бошқасида таҳлилийлик, яна бирида эса тасвирий ва таҳлилий усул етакчилик қилади.

16. Шарқ мумтоз адабиётида Оллоҳ ва олам алоқадорлиги, боғлиқлиги талқинига бағишланган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носируддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Носир Хусравнинг «Рўшнонома» достони, Хусрав Дехлавийнинг «Олам ул-илм» ва Абдурахмон Жомийнинг «Жило ур-руҳ» каби қасидаларида мавзулар узвий кетма-кетликда (йил фасллари, тўрт унсур, тўққиз фалак, ўн икки бурж) тасвирланади. Бу эса мавзулар силсиласи худди шу тизимда яратилган «Ситтаи зарурия»нинг бой адабий манбалар заминида юзага келганидан далолат беради.

17. «Ситтаи зарурия» қасидалар туркумида олтилик тизими таркибий қисмлари ўз навбатида яна бир неча олтилик тизимига бўлинади, яъни Инсон ва Коинот, Инсон ва Мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги олам олти илоҳий кун маҳсули («Рух ул-қудс»да бу хусусда маълумот берилади), олти “нодир жиҳати коинот” ва фақр рукнлари («Айнул - ҳаёт» ва «Тухфат ул-афкор» қасидасида бунга кўпроқ урғу берилади), олти иймон аркони таркибий қисмлари («Қут ул-қулуб»да аркони иймон шартлари кенг изоҳланади), жисм қафасида руҳ соғлом тараққий этишининг олти тиббий асоси (“Минҳож ун-нажот”да бу масалага доир асосли ишоралар бор), намоз фароизидаги олти хориж ва дохил фарзлар («Насим ул-хулд» ва «Қут ул-қулуб»да бу масалалар тасвирига кенгроқ аҳамият берилган) бир-бирига боғлиқ равишда бир илоҳий моҳиятга бориб тақалади ва шу тариқа олтилик

тизими—«Ситтаи зарурия» шаклланади. Бу олтиликларнинг барчаси умумий бир илоҳий мақсадга—одам жисми қифасидаги руҳни Мутлақ Руҳ томон тараққий этиб боришини таъминловчи узлуксиз тадрижий жараёнга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БЕКОВА НАЗОРА ЖУРАЕВНА

**ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ И ПОЭТИКА ПЕРСИДСКОГО
НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВАИ**

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (DSc) зарегистрирована за номером B2017.2.DSc/Fil58 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).


Научный консультант:	Эшонкулов Хусниддин Пиримович доктор филологических наук
Официальные оппоненты:	Тухлиев Бокижон доктор филологических наук, профессор Восиева Рухсона Курбоновна доктор филологических наук, профессор Юсунова Дилнавоз Рахмоновна доктор филологических наук
Ведущая организация	Институт узбекского языка, литературы и фольклора


Защита диссертации состоится 17 ноября 2021 года в "10" часов на собрании Научного совета DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 по присуждению научных степеней при Самаркандском государственном университете, (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz), Самаркандский государственный университет, аудитория №105


Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под номером 66). (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40, факс: (8366) 239-11-40)

Автореферат диссертации разослан "2" ноября 2020 года
(Протокол реестра № 7 от "2" ноября 2020 года).




М.К. Мухиддинов
Председатель Научного совета
по присуждению научных степеней,
д.ф.н., профессор


Х.А. Асланова
Секретарь Научного совета
по присуждению научных степеней,
д.ф.ф. (PhD)


Ш.А. Хасанов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
научных степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом литературоведении особое внимание уделяется освещению вопросов поэтики, поэтической структуры, литературного влияния, традиций, преемственности, художественного мастерства, особенностей создания согласно требованиям девана, жанрового разнообразия на основе произведений определенных авторов. В частности, лирическое наследие великого мыслителя Алишера Наваи, являющееся важной вехой в истории литературы народов Востока, имеет важное значение для определения сущности деванов и их жанров в плоскости современного глобализированного научно-теоретического мышления.

В мировом литературоведении ведутся исследования о том, что специфика каждого поэтического жанра определяется его формой поэтического выражения, системой образов и способом художественной интерпретации действительности. В частности, особое внимание в литературоведении Востока уделяется разработке научно обоснованных концепций о статусе газелей, касыды, рубаи, жанров китъа в классической литературе, этапах их возникновения и развития, раскрытию смысла, образа, метафорического мира, путей изображения и поэтических средств произведений этого жанра на основе персидского наследия Алишера Наваи.

В узбекском литературоведении периода независимости большое внимание уделяется описанию некоторых ранее не вошедших в научный оборот литературных источников классической поэзии, в частности, Персидского наследия Наваи, более широкому изучению поэтических жанров, освещению их идейно-художественных особенностей. «Литература имеет огромное значение в утверждении в нашей жизни благородных ценностей и традиций, в частности, для роста духовно-интеллектуального потенциала, расширения мировоззрения нашего народа, особенно молодого поколения, воспитания гармонично развитых личностей в духе любви и преданности Родине»³⁷. В связи с этим возникает необходимость дальнейшего углубления научных исследований в области персидского литературного наследия Алишера Наваи, выражающего нравственное, просветительское, божественное содержание; выявления в нем воплощения общечеловеческих и национальных идей через газели, касыды, рубаи, китъа; проверки двуязычного мастерства поэта.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-5850 «О мерах по кардинальному

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги» қарори // Халқ сўзи. – 2017. – 14 сентябрь. <http://www>.

повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 17 февраля 2017 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПК-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, ПК-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, ПП-451 «О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительской работы» от 25 августа 2006 года, ПП-1271 «О государственной программе «Год гармонично развитого поколения» от 27 января 2010 года, ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124-Ф «О проведении международной конференции на тему «Актуальные вопросы изучения и популяризации узбекской классической и современной литературы на международном уровне» от 16 февраля 2018 года и других нормативно - правовых документах относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий республики I. «Формирование и реализация системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства»

Комментарии зарубежных научных исследований по теме диссертации³⁸. Проблемы сравнительно-типологического, сравнительно-исторического, биографического исследования источников жизни поэтов и их литературного наследия на основе теоретических и практических исследований литературного источниковедения и текстологии, их контекстуального анализа изучались в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира. В частности, научные исследования проводились в таких вузах мира как Тегеранский университет (Иран), Российско-Таджикский (Славянский) Университет (Таджикистан), Istanbul Üniversitesi

³⁸Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://litva.info.Book.page-75>, <https://bulletin-history.kaznu>; https://scribble.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, www.ivran.ru<http://elm/az/http://elm/az/>, www.navoiy-uni.uz; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. – London-Paris, 1964. – P. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – B.501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çağatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B.209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965.

(Турция), Балхский государственный университет (Афганистан), University of Washington Press (США), Институт востоковедения РАН, Казанский государственный университет, Казахский национальный университет (Казахстан), Институт рукописей Национальной академии наук Азербайджана (Азербайджан), Ташкентский государственный университет Узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт Узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан, Ташкентский государственный институт Востоковедения, Узбекская международная академия ислама, Государственный литературный музей имени Алишера Навои АН Республики Узбекистан и Самаркандский государственный университет (Узбекистан).

В результате исследований в мировом литературном источниковедении и текстологии, направленных на изучение литературного наследия Алишера Навои, в частности его эпосов и газелей, был получен ряд следующих научных результатов. В частности, обобщены сведения о биографии поэта, композиции его произведений, его произведения опубликованы в виде собрания сочинений (Тегеранский университет (Иран), (Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), (Z.Bünyadov adına Şərqşünaslıq İnstitutu (Азербайджан), проанализирована лирика поэта (University of Washington Press (США), Istanbul Üniversitesi (Турция), Humbolt University of Berlin (Германия), установлена система новых методологических подходов к проблеме отношения к истории и интерпретации текста в литературных источниках (University of Amsterdam (Нидерландия), (Институт востоковедения РАН (Россия), Казахский национальный университет (Казахстан), Кыргызский национальный университет (Кыргызстан), (Istanbul Üniversitesi (Турция), обосновано достижение фундаментального исследовательского уровня исследований относительно источников классической литературы на основе научно-критического текста (Istanbul Üniversitesi (Турция), Ташкентский государственный институт востоковедения, Узбекский институт языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан, Государственный музей литературы имени Алишера Навои АН Республики Узбекистан, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

В мировом литературоведении по целостному системному изучению классических литературных источников проводятся по следующим приоритетным направлениям: история текста конкретного произведения и проблема редактирования текста; творческая лаборатория поэта; издательская история литературного произведения; сравнительно-текстовый анализ рукописных источников; составление научно-критического текста определенного произведения.

Степень изученности проблемы. В мировом литературоведении персидское наследие Алишера Навои исследовано такими литературоведами и востоковедами как С.Айний, О.Ф.Акимускин, А.Афсахзод, Е.Э.Бертельс,

Алиаскар Ҳикмат, А.Мирзаев, Р.Ходизода, Курбон Восеъ, И.Брагинский, Ш.Девонаев, Э.Шодиев, Р.Мусулмонкулов, Рукниддин Хумоюн Фаррух, А.Абдукодиров и Марк Тутан. Однако эти исследователи в большей степени опирались на вопросы традиции преемственности³⁹.

В русском востоковедении XIX – XX веков был очевиден особый интерес к личности и творчеству Алишера Навои. Русские востоковеды М.Никитский, В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, А.Якубовский, А.Болдырев создали весомые исследования в этой области⁴⁰.

В советский период отношение к персидскому наследию Навои-Фоний поднялся на новый уровень, благодаря труду таких ученых как А.Фитрат, Хаким Хомидий, Ш.Шомухаммедов, П.Шамсиев, О.Шарафиддинов, Х.Сулаймон, Н.Маллаев, С.Эркинов, Б.Валихужаев, А.Каюмов, А.Хайитметов, Н.Комилов, М.Мухиддинов, Р.Вохидов, Ё.Исхоков, С.Ганиева, И.Ҳаккулов, М.Кодирова, А. Шомухаммедов, Ш.Шукуров⁴¹

³⁹Қаранг: Садриддин Айни. Куллиёт. Ҷилди 11. Китоби яқум.-Душанбе, Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1963. – 506 с.; Айни, Садриддин. Алишер Навоӣ / Садриддин Айни // Шарқи Сурх, 1941. №1, 2, 3, 4-5; Айни. Алишер Навоӣ. –Душанбе:Нашриёти Давлати Тоҷикистон, 1948. –С.181-182; Бертельс Е.Э. Навоӣ. Опыт творческой биографии. –М.:Л., 1948. С. 108; Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960; Бертельс Е.Э. Избранные труды: Навоӣ и Джами. – Москва: Наука, 1965; Суфизм и суфийская литература. –Москва: Наука, 1965; И.Брагинский.12 миниатюр. –М., 1966; Брагинский И.С. Ещё раз о проблеме периодизации истории персидской и таджикской литературы. “Народы Азии и Африки”. №6. 1963. –Стр.101; Раджабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: Ирфон, 1968; Мирзоев А. Фони ва Ҳофиз.-Душанбе: Ирфон, 1966; Мирзоев А. Фони ва Ҳофиз.-Душанбе: Дониш, 1968; Мирзоев А. Алишер Навоӣнинг форс-тоҷик тилидаги мероси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1-сон; Мирзоев А. Абдурахмон Жомӣ ва Алишер Навоӣ. – Душанбе: Ирфон, 1968; Мирзоев А. Сездар мақола. –Душанбе: Ирфон, 1977; Мирзоев А. Фони ва Ҳофиз.Тўплам. Навоӣ ва адабий таъсир масалалари.-Т.: Фан. 1968. –Б.53.; Мирзоев А. Девони Фониӣнинг ғоявий хусусиятлари// IX конференция. –Тошкент, 1965; Акимушкин О.Ф. К вопросу о традиции жанра искусственной касыды в персидской поэзии. – Москва: Наука, 1971; Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. –Москва: Наука, 1972, 524 с.; Афсаҳзод А. Адабиёти тоҷик. – Душанбе: Pleiades publishing inc, 2001. – 304 с.; Афсаҳзод А. Абдурахман Джами. Фатихат уш-шабоб. – Москва: Наука, 1976; Афсаҳзод А.Рузгор ва осори Абдурахмони Жомӣ. – Душанбе: Дониш, 1980; Афсаҳзод А. Навоӣ /Аълоҳон Афсаҳзод // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Ҷилди 2. – Душанбе, 1989. С.-405-407; Кашмирӣ, Фони. Мунтахаби ашъор /Фони Кашмирӣ. Ба чоп тайёр-қунанда ва муаллифи муқаддимаву тавзеҳот Шамсулло Девонаев.-Душанбе: Ирфон, 1986. – 238с.; Ҳодизода Р.. Аз гузашта ва ҳозираи адабиёти тоҷик. –Д. 1974; Ш.Девонаев. Фони Кашмири и его творчество. АКД. –Д. 1971; Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик (асрҳои XIII-XV). Китоби 2. –Душанбе: Маориф, 1977, 453 с.;Самад Вали. Пайвандҳои адаби чун омили муҳими инкишофи адабиёт. –Душанбе: Ирфон, 1976; Шадиёв Э. К вопросу об отношении Алишера Навои к персидской-таджикской литературе.Автореферат канд.дисс.-Ташкент, 1965; Шодиев Э. Алишер Навоӣнинг тоҷик адабитига муносабати масаласига доир. –Ленинобод, 1964; Шодиев Э. Алишер Навоӣ ва форс-тоҷик адаблари. –Тошкент:”Ўқитувчи”, 1989.; Шодиев Э. Алишер Навоӣнинг форс-тоҷик тилидаги асарлари.-Тошкент: ФАН, 1990; Шамухаммедов А. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои.-Тошкент: Фан, 1984; Фони, Амир Алишер. Девони форсӣ (мунтахабот ба хуруфи форсӣ) / Амир Алишери Фони. Мураттиб ва муаллифи сарсухан Алии Муҳаммадӣ. – Душанбе: Ирфон, 1993. – 320с.; Сайфуллоев А. Айни / А.Сайфуллоев // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Ҷилди 1. – Душанбе, 1988. – 544 с.; Мусулманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. – Москва: Наука, 1989, 240 с.; Хуросонӣ, Алии Муҳаммадӣ. Суханвари зуллисонӣ / Алии Муҳаммадӣ Хуросонӣ // Мехру муштарӣ. – Душанбе: Адиб, 2010. С.185-208; Шодиев Э. Навоӣ татаббуларига оид баъзи мулоҳазалар: “Девони Фониӣ” ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1997. - № 2; Абдукодиров А. Навоӣ татаббуларига орифона тасвир маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1997. - № 1.

⁴⁰ Қаранг: Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтози адабиёти тадқиқи: Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.

⁴¹ См: Фитрат А. Навоӣнинг форсӣ шоирлиги ва форсӣ девони хусусида. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. –Т.: “Маънавият”, 2000. –Б.3-11; Фитрат А. Форсӣгӯй Навоӣ // Шарқ машъали, 1993, 3-

В годы независимости появился ряд исследований посвященных данной научной сфере. Примером тому могут служить произведения, научные исследования литературоведов А.Қаюмова, Н.Комилова, С.Эркинова, Р.Воҳидова, А.Абдуллаева, Ш.Сирожиддинова, С.Рафиддинова, Э.Очилова, Х.Эшонқулова, С.Сотиболдиевой, Л.Зоҳидовой, Г.Болтаевой, Н.Бековой, О.Давлатовой и Д.Юсуповой⁴².

